Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ **29 май 1968 йил, чоршанба** ◆ № 123 (13.985). ◆ Баҳоси 2 тийин.

БРИГАДА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ

Коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичида партиямизнинг асоси бўлган бошланғич ташкилотларнинг роли беқиёс ошди. Уз фаолиятида КПСС Программаси ва Уставига, партиямизнинг илҳомбахш XXIII съезди ва Марказий Комитетнинг ундан кейинги пленумлари қарорларига оғишмай амал қилаётган бошланғич партия ташкилотлари кенг меҳнаткашлар оммаси орасида бевосита иш олиб бориб, уларни Ленин партияси теварагига янада мустаҳкам жипслаштирмоқдалар, партия сиёсатини амалга оширишда, коммунизм қуриш учун курашга оммани уюштиришда жонбозлик кўрсатмоқда.

Сўнгги йилларда партия сафларининг анча ўсганлиги уларни ишлаб чиқаришда тўғри жойлаштириш имконини берди. Шу билан бирга кўп сонли партия ташкилотлари таркибида қуйи звенолар тузиш имконияти туғилди. Колхоз ва совхозларда бевосита бригада ҳамда фермалар коммунистларининг бир ташкилотга — бошланғич ташкилот ҳуқуқидаги партия ташкилотига уюшуви бунинг далилидир. Ҳозир республикамиз колхоз ва совхозларида 5200 дан зиёд бригада ва ферма ташкилотлари фаол иш олиб бормоқда. Улар беш йиллик вазифаларини амалга оширишда омманинг жанговар ташкилотчилари сифатида танилгандирлар.

Бригада партия ташкилотлари хўжалик ва сиёсий вазифаларни уддабуронлик билан ҳал этаётганликларини Андижон область, Бўз районидаги хўжаликлар мисолида яққол кўриш мумкин. Районда 84 бригада партия ташкилоти мавжуд бўлиб, улар қишлоқ меҳнаткашларини коммунистик идеаллар руҳида тарбияламоқдалар ва катта хўжалик вазифаларини бажаришга сафарбар этмоқдалар.

Райондаги Карл Маркс номли колхознинг И. Мамажонов секретарлик қилаётган бригада партия ташкилотига уюшган 13 коммунистнинг ҳаммаси ишлаб чиқариш жонкуяри сифатида танилган. Улар бутун деҳқончилик ишларининг бир меъёрда юритилишини, бригада аъзолари ўртасида сиёсий-оммавий ишларнинг намунали олиб борилишини, дала шийпони колхозчиларнинг чинакам ҳордиқ чиқарадиган иккинчи уйи бўлиб қолишини ҳамиша диққат эътиборда тутадилар. Ишнинг шу тариқа йўлга қўйилганлиги бригаданинг иш кўрсаткичлари самарали бўлишини таъминлаяпти.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг V пленуми КПСС XXIII съезди қўйган вазифаларни амалга оширишда бошланғич партия ташкилотларининг сиёсий ва ташкилотчилик ишларини яхшилаш масаласини алоҳида муҳокама қилди. Пленум ҳар бир бошланғич партия ташкилоти, ҳар бир коммунист съезд қарорларини амалга оширишда ўз ўрнини белгилаб олиши лозимлигини таъкидлади.

Уларининг кундалик фаолиятларида ана шу қарорларга амал қилаётган, бутун сиёсий ва ташкилотчилик фаолиятларини партиямиз белгилаб берган режаларни рўёбга чиқаришга бағишлаётган партия ташкилотлари ишда катта натижаларга эришмоқдалар. Пастдарғом районидаги Ленин номли колхоз коммунистларининг кейинги икки йилда қўлга киритган ютуқлари худди ана шундан далолат бериб турибди. Хўжалик қисқа вақт ичида иқтисодий жиҳатдан бақувват колхозга айланди. Бир ярим минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўртача 28 центнердан пахта ҳосили кўтарилмоқда. Колхоз маҳсулотнинг кўпчилик турлари бўйича беш йилликнинг охирига мўлжалланган маррадан ўзиб кетди.

Колхоз партия комитети 97 коммунистдан 80 киши бевосита ишлаб чиқаришда банд бўлишини таъминлади. Партком ишлаб чиқаришга бригада партия ташкилотларига таянган ҳолда таъсир кўрсатмоқда ва коллективни тарбияламоқда. Хўжаликдаги 12 пахтачилик бригадасининг ҳаммасида, ферма ва ремонт устахонасида, гараж ва ғаллачилик бригадасида партия ташкилотлари мавжуд.

Шу билан бирга ўз вазифасини шунчаки йиғилишлар ўтказиш ва аъзолик бадаллари тўплашдан иборат деб тушунувчи бригада партия ташкилотлари ҳам йўқ эмас. Бундай жойларда сиёсий-тарбиявий ишлар ҳам, ташкилотчилик ишлари ҳам, деҳқончилик ишлари ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилгандир. Қорақалпоғистон Автоном Республикасидаги, Сурхондарё ва Қашқадарё областларидаги баъзи район партия комитетлари қуйи звенолар фаолиятини кучайтиришга тегишинча эътибор бермаётирлар. Оқибатда жойларда хўжалик ишлари вақтида бажарилмаётганлиги устига тарбиявий ишлаэда жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Бригада партия ташкилотининг фаолияти хўжалик ичидаги бу кичик коллективнинг бутун ҳаёти билан ҳамнафас бўлиши керак. Унинг бригада ишидаги ҳамма соҳага дахли бор. План бажарилишидан тортиб, бригада аъзоларининг оиласидаги болалар тарбиясигача, деҳқончилик агротехникасига риоя қилишдан тортиб, кишилар малакасини ошириш ва уларнинг турмуш маданиятини юксалтиришгача бўлган ҳамма соҳаларни бу партия ташкилоти тўла қамраб олишга даъват этилган. Шунга эришиш керакки, ҳар бир бригада партия ташкилоти колхозчилар ва совхоз ишчиларининг энг яқин маслаҳатгўйи, раҳбари бўлсин, омма орасида юзага келаётган ҳамма ташаббусларнинг изчил амалга оширувчилари бўлсин.

Партия ташкилотларимиз ҳар қандай улкан ва мураккаб вазифаларни уддалашда, қийинчиликларни енгишда бой тажриба тўплаганлар. Вазифа — ташкилотчилик ва сиёсий-оммавий ишларда тўпланган мана шу тажрибадан моҳирлик билан фойдаланиш, партиямизни кенг меҳнаткашлар оммаси билан боғловчи бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлик ролини оширишдан иборатдир.

ИНСОН ҚУДРАТИ

...Назаримда, куни кеча бўмбўшдек эди бу Музрабод даштлари. Ҳозир-чи, социалистик шаҳарча — «Советобод» совхозининг кўркам посёлкаси савлат тўкиб турибди. Кўчанинг икки томонида тизилиб кетган кўп қаватли шинам иморатлар.

Йўлнинг ўнг қанотидаги турна қатор иморатлар пештоқига: «Шеробод чўли — коммунизмга хизмат қилади» — деган сўзлар зарҳал билан ёзиб қўйилган.

ШЕРОБОД ҚУРИЛИШИДАН ХАТ

Биз 9-қурилиш бошқармасининг идораси олдида тўхтадик. Кечки пайт бўлишига қарамай бошқарма бошлиғи ўртоқ Мацаковнинг иш кабинети одамлар

— Мен 1965 йилда шу бошқармага бошлиқ бўлиб келган эдим, — деб гап бошлади Николай Александрович Мацаков. — Ўша пайтда бу ерларда бирорта тиккайган иморат йўқ эди. Даштда ёлғиз қолиб кетган кишини ваҳима босарди. Тез орада мустаҳкам қурувчилар коллективи ташкил топди. 1966 йилда 2,2 миллион сўм ўрнига 2,5 миллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилди. Яхшиси, юринг, посёлкани айланайлик, қулоқ билан эшитгандан кўз билан кўрган маъқул.

Биргаликда қурилиш объектлари ва посёлкани айландик. Илғор ишчилар, моҳир қурувчилар билан суҳбатлашдик. Шундан сўнг ҳамма нарса аён бўлиб қолди: юбилей йилида бошқарма коллективи жуда катта зафарга эришди. Пландаги 2,1 миллион сўм ўрнига 2,3 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. Капитал қурилиш ишлари плани 106,2 процент адо этилди. Бошқарма республика Министрлар Совети ва Ўзбекистон касаба союзлари советининг кўчма Қизил байроғи ҳамда 2875 сўм пул мукофотини олди. Ўтган йили турли соҳалар бўйича 170 минг сўмлик маблағ тежаб қолинди.

— 1966—1967 йиллар мобайнида 400 ўринли қишлоқ клуби ва ошхона муддатидан 3 ой олдин ишга туширилди. Пландаги 3300 ўрнига 3824 квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди, — дейди бош инженер ўртоқ С. Кругляк. — Уй-жой қурилиши планларини ой сайин 110-115 процент бажариб келяпмиз...

Шу нарса диққатга сазоворки, қурувчилар чўлқуварларга ҳамма имкониятларни яратиб беришга интилмоқдалар. Масалан ўтган йили меҳмонхона, этикдўзлик устахонаси, тикувчилик цехи, 12 ўринли сартарошхона, универмаг, ҳар бири 140 ўринли 3 та болалар боғчаси, амбулатория, ёзлик кинотеатр, чойхона ва бошқа кўпгина маданий-маиший, савдо ва медицина муассасалари қуриб битказилди.

Бошқарма коллективи қурилиш ишларида маҳаллий материаллардан кенг фойдаланишга кўчди. Йирик блокли қурилишни кенг жорий этиш туфайли бултур 2 миллион 670 минг дона пишиқ ғишт тежалди ёки 97 минг сўм давлат маблағи иқтисод қилинди. Бошқарма ҳузурида темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган махсус полигон қурилиб, 4,66 миллиметрли қоплама плиталар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бетон ва қоришма ясаш ишлари механизациялаштирилди. Натижада илгари 45 киши банд бўлган бу мураккаб ишни эндиликда фақат 8 киши бажаряпти.

Беш йилликнинг учинчи йилида бошқарма қурувчилари янада улкан марраларни эгаллаш учун курашяптилар: шу йилнинг ўзида 2 миллион 540 минг сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилмоғи. 1969 йилга атиги 1,7 миллион сўмлик қурилиш ишлари қолиши керак. Бошқарма коллективи барча имкониятларни ҳисобга олиб уй-жой қурилишини келгуси йилга қолдирмай, шу йилнинг ўзидаёқ тўла тугаллаш ҳақида конкрет мажбуриятлар олди. Шундай қилиб белгиланган 4300 квадрат метр ўрнига 5535 квадрат метр уй-жой қуриш ҳақида қатъий қарорга келинди. Бу иш адо этилгач. «Советобод» совхозида уй-жой қуриш тугалланади ва хўжалик 40 минг квадрат метр уй-жой фондига эга бўлади.

Ҳозир коллектив 700 кишилик стадион, 10 гектарлик маданият ва истироҳат боғи, саноат ва озиқ-овқат моллари магазини, киоскалар қуришга киришди.

— Бошқармамиз қурувчилари бундан ташқари Шеробод районидаги «Коммунизм» совхози марказий посёлкасини ва 22-автобазани комплекс тарзда қуриш мажбуриятини олиб, астойдил меҳнат қиляпти, — дейди маҳаллий касаба союз комитетининг раиси ўртоқ М. Абузяров. — Ҳозиргача бу хўжаликларда ишлаб чиқариш зонаси, уй-жойлар ва маданий-маиший объектлар қуриб битказилди.

Қурувчилар 1968 йилга белгиланган жуда катта ва ғоят масъулиятли вазифаларни шараф билан бажармоқ учун полигонни кенгайтирдилар, оҳакни сўндирадиган махсус мослама ишга туширдилар, янги кранлар ўрнатдилар ва сўндирилган оҳак суюқлиги қоришмаси тайёрлайдиган агрегатни фойдаланишга топширдилар. Натижада меҳнат унумдорлиги бир ярим баравар кўтарилди. юзлаб тонна цемент тежаб қолинадиган бўлди.

Г. Ваҳобов бошлиқ бетончилар бригадаси аъзолари йирик темир-бетон блоклар билан бошқармадаги барча қурилиш участкаларини тўла-тўкис таъминлаб турибди. Шуларнинг жасоратли меҳнати туфайли 2.7 миллионга яқин пишиқ ғишт тежаб қолинди. Роза Тўлакова «Советобод» совхозига Андижон областидан келган. Мана беш йилдирки. бетончилар бригадасига раҳбарлик қиляпти. Розанинг кўксида «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медали порлаб турибди. Гвардиячи номини олган Роза раҳбарлигидаги коллектив ойига 1200 тонна ўрнига 1450-1500 тонна бетон қоришмалари ишлаб чиқаряпти. Анна Бондарь, Полина Зарипова, Элла Кузнецовалар смена топшириқларини 130-140 процент адо этмоқдалар.

Т. Гусеева, А. Сойникова бошлиқ бўёқчи-сувоқчилар бригадалари. А Абдуназаров бошлиқ йирик блокларни йиғувчилар бригадалари социалистик мусобақада байроқдор. Тракторчи Бозор Рўзиев 1963 йилдан бери «ДТ-20» тракторида ремонтсиз ишлаб келяпти. Бетончи Геннадий Раданцев ҳар куни 2-3 норма бажаряпти. Ғишт терувчилардан В. Уйменов. Г. Сатаев. И. Дяченко ўртоқлар меҳнатда ҳаммага ўрнак.

— Тўғрисини айтсам, бундан ҳам яхшироқ ишлашимиз мумкин эди. — дейди бошқарма бошлиғи Николай Александрович Мацаков. — Бироқ, темир-бетон етишмаяпти. Оқибатда 35 бинонинг томи ёпилмай турибди. Бошқармамизда ер кавлайдиган машиналар жуда кам, бульдозер йўқ. Кўтарма кранлар оз. Мавжуд техника эса кўпдан бери ишлатилганлиги учун яроқсиз ҳолга келиб қолди. 11-қурилиш тресги бизга техника ва темир-бетондан конкрет ёрдам берса. суръатни бир ярим баравар оширишимиз мумкин.

Ҳа, чиндан ҳам инсон қўли гул экан. Буни Шеробод даштларининг қоқ марказида инсон қудрати билан бунёд этилган социалистик шаҳарча мисолида яққол кўриш мумкин.

А. ХАЛИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Суратларда: юқорида — Шеробод каналининг кўриниши. Пастда — Шеробод насос станцияси қурилиши бошлиғининг ўринбосари Дамир Ойдинов илғор бетончилар билан суҳбатлашмоқда.

А. Тўраев фотолари.

ЧЕТ ЭЛЛИКЛАР ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА

ЎЗБЕК ПИЛЛАЧИЛАРИГА БАЛЛИ!

Таниқли француз олими, Пиллачилик халқаро комиссиясининг бош секретари Анрэ Шенк Ўзбекистонда 10 кун меҳмон бўлиб турди. У, Ўзбекистонда пиллачиликнинг ривожланиши билан танишар экан, Фарғона, Самарқанд, Бухоро ва Тошкент областларидаги бир қанча колхозларни, қурт уруғи заводларини ҳамда Урта Осиё пиллачилик илмий-тадқиқот институтининг насчилик станцияларини бориб кўрди, республика Қишлоқ хўжалиги министрлигининг раҳбарлари билан суҳбатлашди.

Ўзбекистон телеграф агентлигининг мухбири Анрэ Шенк билан суҳбатини сафардан олган таассуротларингиз қандай бўлди, деган савол бериш билан бошлади.

— Олган таассуротларим жуда яхши, — деди меҳмон. — Мен Ўзбекистоннинг ҳамма ерида ўз ишини яхши биладиган ва ишда ижобий натижаларга эриша оладиган ғоят ғайратли кишиларни кўрдим. Мен бунда саноатни, қишлоқ хўжалигини ва айниқса маданиятни кўзда тутиб гапиряпман. Илгари қолоқ бўлган бу ўлкада маданият ниҳоят юксак даражага кўтарилганлиги кишини ҳайратда қолдиради. Яна шу нарса диққатга сазоворки, Ўзбекистон одамлари маданий бойликлар тўплаб, бу бойликлардан кундалик ҳаётда фойдаланиб, янада юксак тараққиётга эришишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган.

— Ўзбекистон пиллачилиги ҳақида нима дейсиз?

— Мен 35 йилдан бери пиллачилик билан шуғулланиб, пилла етиштирувчи қарийб барча мамлакатларда бўлганман. Менимча, Ўзбекистонда пиллачилик жуда яхши ташкил этилган. Аввало пиллачиликнинг пахтачилик билан узвий боғланганлиги кишини ниҳоятда ҳайратда қолдиради. Агар бошқа мамлакатларда пиллачилик экономиканинг бошқа тармоқлари билан рақобатлашишга мажбур бўлса, бу ерда мутлақо бошқача манзарани кўрамиз: колхозлардаги меҳнат ресурслари шу қадар оқилона тақсимланганки, бундан оқибат натижада пиллачилар ҳам, пахтакорлар ҳам наф кўрадилар. Ҳукумат органлари, колхозларнинг раҳбарлари деҳқонларни пилла етиштиришни кўпайтиришдан, пилла ҳосилдорлигини оширишдан моддий манфаатдор қилмоқда. Бунда коллектив бўлиб меҳнат қилиш системасининг ўзи ҳам яхши таъсир кўрсатмоқда. Мен белгиланган ҳарорат ва намликни бир маромда сақловчи кондиционер аппаратлар ўрнатилган катта-катта қуртхоналарни кўрдим, шунингдек колхозларда илмий тавсияларни амалда қўллай оладиган ва қурт боқишни оқилона жадаллаштира оладиган тажрибали ходимларни кўрдим. Буларнинг ҳаммаси мени жуда қизиқтириб қўйди.

— Ўзбек олимларининг фаолияти ҳақидаги фикрингиз қандай?

— Ўзбек олимларини эришган кўпгина муваффақиятлари билан табриклаш мумкин. Мен бунда аввало селекция ишини назарда тутиб гапиряпман. Ўзбекистонда ишлаб чиқилган ипак қуртининг эркакларини танлаш усули ҳосилдорликни кўтаришга имкон беради. Бу усул ўзининг самарадорлиги жиҳатидан афсонавий даражада яхшидир. Қурт уруғи сифатини назорат қиладиган машина-ускуналар, ипак қуртини боқиш системаси, озуқа базасини ривожлантириш ҳам менга ёқди. Шуларнинг ҳаммасида олимларингизнинг хизмати оз эмас.

— Охирги савол: Ўзбекистон пиллачилик халқаро комиссияси ишида қай тарзда қатнашиши мумкин?

— Бу борада менинг фикримни билмоқчи бўлсангиз, айтишим мумкинки, Ўзбекистоннинг 12 давлатни бирлаштирган комиссиямиз составига кириши ниҳоятда кўнгилдагидек иш бўларди. Бу ҳол пиллачиликни ривожлантиришда республикангиз эришган катта тажрибани кенг оммалаштириш имконини берарди.

ЎРИМ БОШЛАНДИ

БУХОРО. (**«Совет Ўзбекистони мухбиридан»**). Конимех районидаги «Гигант» совхозининг ғаллакорлари ўрим-йиғимга пухта ҳозирлик билан келдилар. 100 гектардан ортиқроқ ердаги кузги арпа эрта пишиб етилди. Совхознинг Х. Жарбўтенов бошлиқ бригадаси Бухоро областида биринчи бўлиб арпа ўримини бошлаб берди. Бригада ғаллакорлари ҳар гектар ердан 26 центнердан дон йиғиштириб олиш ва давлатга сотишга аҳд қилганлар.

«ҚУМУШ ТОЛА» КАРВОНЛАРИ

Улуғ доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга бел боғлаган. Тўрткўл районидаги «Коммунизм» колхози азаматлари пилла топшириш йиллик планининг муддатидан илгари бажарилганлиги тўғрисида ғалаба рапорти бердилар. Давлатга 14 минг 600 килограмм пилла сотилди. Яна камида 30 центнер «кумуш тола» армуғон этиш учун курашаётган пиллакорлар қолган қурт уруғларини ҳам жадал усулда парвариш қилишяпти.

ҚИЙИНЧИЛИКЛАРНИ ЕНГИБ

Андижон деҳқонлари бу йилги баҳорни уюшқоқлик билан аҳил ўтказмоқдалар. Область колхоз ва совхозлари баҳорги дон экинлари экишни кўп йиллардан бери биринчи марта муваффақиятли тугалладилар. Шоли, ғалла, сабзавот, беда майдонлари анча кўпайди.

Пахта далаларида чигит экиш агрегатларининг экипажлари агротехника фани ютуқларини «оқ олтин»дан мўл ҳосил етиштириш усталарининг илғор тажрибаси билан оқилона қўшиб олиб бордилар. Шуни айтиш кифояки, барча уруғлик чигит қаҳрабо кислотаси ва ўсимликларни ривожлантириш учун хизмат қиладиган бошқа стимуляторлар билан ишланди. Айни пайтда чигит билан бирга ерга азотли ўғитлар солинди. Буларнинг ҳаммаси кутилган натижаларни бермоқда. Май ойининг бошидаёқ барча майдонда чигит тўла униб чиқишга эришилди. Катта майдонларда чигит тупроқнинг ўз намига ундириб олинди. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлай бориб, андижонлик пахтакорлар вақтни ўтказмасдан ғўзани яганалашга киришдилар, дастлабки культивацияни ва ўсимликни суғоришга тайёргарлик ишларини авж олдириб юбордилар. Аммо, 510 минг тонналик Андижон пахтаси учун кураш бу йил табиатнинг тўхтовсиз инжиқликлари билан кураш жараёнида ўтмоқда. Пахтакорлар 5 майда келган сел оқибатларини ҳали тугатиб улгурмасданоқ 23 май куни тунда яна кучли жала қуйди, икки соат мобайнида 70 минг гектардан кўпроқ майдонни сув босиб кетди. 88 колхоз ғўзаси жуда кўп зиён кўрди. 100 га яқин хўжалик иншоотларини сув ювиб кетди. чорва молларнинг анчагина қисми нобуд бўлди. Одамлар ўртасида ҳалок бўлганлар йўқ.

...Биз Избоскан районининг пахта далаларини оралаб кетяпмиз. Фазода бир парча ҳам булут кўринмайди. Чарақлаб турган қуёш нурлари ва шамолнинг эсмаётганлиги табиат тўла жимликка берилгани ҳақида гувоҳлик бермоқда. Бор-йўғи ярим кун олдин мана шу ерлардан кучли шамол эсиб ўтгани ва экинларни дўл аралаш ёмғир пайхон қилганига ишониш қийин.

— Районимиз, — деб ҳикоя қила бошлади қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи У. Абдураҳимов, — ўтган куни тунда водийга зарар етказган ўша офат марказида қолди. Жуда ҳам аянчли бир ҳол. Район колхозларида яганалаш тугаллангандан ва дастлабки культивация ўтказилгандан кейин ўсимлик жуда тез ривожлана бошлаган эди. Кутилмаганда офат ёғилди. Аҳволни ўнглаш учун жуда кўп куч ва ғайрат сарфлашимиз керак. Ахир бутун майдонимиз — 29 минг гектар пахтазор ёмғир суви остида қолди. Эндиликда эса далаларни қатқалоқ босиб кетди.

Избосканликлар об-ҳаво инжиқлигига уюшқоқлик ва меҳнатни қарши қўйдилар. Район партия комитети жанговар штабга айланди. Райкомда мутахассислар билан бир зумгина маслаҳатлашилиб, табиий офатни енгиш учун зарур тадбирлар белгиланади, кишилар ва техниканинг куч-қудрати уйғунлаштириб турилади.

Ҳали тундаёқ колхозларнинг барча механизаторлари ва инженерлари техникани далага олиб чиқиш учун тайёргарлик кўриш мақсадида оёққа турғизилган эди. Эрталаб 600 агрегат қатқалоққа қарши ҳужум бошлади.

Район партия комитети секретарлари ва колхозларнинг раислари радио орқали халққа мурожаат қилганларидан кейин бу ишда қатнашмаган бирорта ҳам колхозчи қолмади. 20 минг кишилик армия машиналарга мададкор бўлиб чиқишди. Район маркази ва ишчи посёлкаларининг аҳолиси ҳам қараб турмишмади. Пойтуқ пахта тозалаш заводи ва механизация билим юртининг коллективи ёмғир ва дўлдан анчагина зарар кўрган Октябрь эллик йиллиги номли совхознинг 1 ва 6-бўлимлари пахтакорларига ёрдам отрядларини жўнатишди.

Кўқонқишлоқ пахта тозалаш заводи ва саноат-маиший комбинат коллективи Энгельс номли колхозга ёрдамга келди. Область агрохимия лабораторияси ходимлари ҳам умумхалқ ҳашаридан орқада қолмадилар. Уларнинг маслаҳатларига биноан ер ости сувлари яқин жойлашган участкаларда ғўзанинг илдиз чириш касаллигига чалинмаслиги учун культивация қилиш билан биргаликда тупроқнинг яхши қизишига имкон бериш мақсадида чуқур эгатлар олинади. Аммо ҳозирча, асосий вазифа қатқалоққа қарши курашдан иборатдир. Барча агрегатлар ротацион юмшатгичлар, мотигалар, кишилар эса кетмон ва тешалар билан таъминланган.

Ҳисоблашлар шуни кўрсатадики, қишлоқ меҳнаткашлари тўрт кун мобайнидаёқ қатқалоқни батамом тугатадилар. Тунда райкомда телефон жиринглаб қолди. Маълум бўлишича, Қўрғонтепа район партия комитетининг биринчи секретари К. Авазматов қўнғироқ қилаётган экан. Бундан икки кун бурун қўрғонтепаликлар мусобақадош избосканлик колхозчилар ҳузурида бўлишган эди. Эндиликда эса улар ана шундай қийинчиликка дучор бўлиб қолганларида район зудлик билан ёрдамга келишга тайёр эканлигини маълум қилишаётган экан. Эртасигаёқ ана шу ёрдам етиб келди. «Ойим» совхозидан «Коммуна» колхозига 25 трактор жўнатилди. Мусобақадош механизаторлар ўз кучлари билан 300 гектар майдондаги ғўзани қатқалоқдан қутқариш учун ишга киришдилар. Қўрғонтепадан бошқа колхозларга ҳам ана шундай механизаторлар отряди етиб келди.

Москва райони ҳам селдан анча зарар кўрди. Бироқ, бу район меҳнаткашлари ҳам избосканликларга ишчи кучи ва техникадан ёрдам беришга тайёр эканликларини маълум қилдилар. Бу ҳақда Москва район партия комитетининг биринчи секретари С. Ниёзов хабар берди.

— Қийинчиликларга қарамай, — дейди Избоскан район партия комитетининг биринчи секретари Х. Қодиров, — район меҳнаткашлари ўз сўзларининг устидан чиқадилар. Ватанга 90 минг тонна пахта етказиб берилади.

«Партия XX съезди» колхози Избоскан районидаги энг йирик хўжаликлардан биридир. 2300 гектар пахта майдонининг ҳаммасини сел босганига қарамай, колхозчиларнинг руҳи тушиб кетгани йўқ. Колхоз меҳнаткашлари (раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Тиллабоев) партия ташкилотининг раҳбарлиги остида аҳволни тезлик билан ўнглаб олишга муваффақ бўлдилар. 50 тракторчи бутун тун бўйи агрегатларга ротацион мотигалар осиб, эрталаб далага чиқишди. Уларнинг кетидан, гўё жангга отланаётгандай бир ярим мингдан кўпроқ колхозчи ҳам пахтазор оралай бошлади. Дала кетидан дала қатқалоқдан халос қилинмоқда.

Табиий офатга қарши курашда ёшлар ва қариялар ватанпарварлик намуналарини кўрсатмоқдалар. «Партия XX съезди» колхози ветерани Отажон ака Юнусов кўпдан бери пенсияда. Бироқ, ўша куни тунда магистрал каналининг Дашт участкасида сувнинг сатҳи 5 метр кўтарилганини эшитиб, Отажон ака хавф туғилаётган жойга биринчи бўлиб етиб келди ва колхозчилар бригадасига бошчилик қилди, қирғоқни мустаҳкамлаш ҳамда 300 гектардан кўпроқ майдонни сув босиб кетишидан сақлашда қатнашди.

Избоскан районида ҳозир аҳвол ана шундай. Область бўйича-чи? Область ва район ташкилотлари, колхозчилар ва совхоз ишчилари, — дейди область партия комитетининг биринчи секретари Б. Раҳимов, — табиий офат ҳамласига қарши интизом ва уюшқоқлилик билан кураш олиб бормоқдалар. Кишилар бир-бирига зудлик билан ёрдам бериш, бир-бирини қўллаб-қувватлаш зарурлигини яхши тушуниб олганлар. Селдан кўпроқ зарар кўрган районларга бир кун ичидаёқ кўнгиллилар отряди техника билан жўнаб кетди. Қатқалоққа қарши курашда шаҳар ва қишлоқларнинг аҳолиси ҳам актив иштирок этмоқда. Табиий офат оқибатларига қарши кураш умумхалқ ишига айланиб қолди.

Идеология иши, матбуот орқали ва оғзаки пропаганда ҳамда агитациянинг барча воситалари пахтадан мўл ҳосил етиштиришга қаратилгандир. Избоскан районидаги «Коммуна» ва «Гулистон» колхозларидаги илғор пахтакорларнинг ташаббуси билан областда гектаридан 40—50 центнердан пахта етиштириш учун ватанпарварлик ҳаракати бошланган. Шубҳа йўқки, областимиз меҳнаткашлари табиат инжиқликларини бартараф этадилар. Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштирилади.

Биз область партия комитети биринчи секретарининг кабинетида ўтирибмиз. Унга турли ахборотлар, телеграммалар келиб турибди, тез-тез телефон жиринглайди. Район партия комитетларидан, колхоз ва совхозлардан тўла гектарлар учун қандай тадбирлар амалга оширилаётгани ҳақида ахборот беришади.

Мана бу хабар Бўздан келди. «Мингбулоқ» ва «Улуғнор» совхозларининг чўлқуварлари селдан зарар кўрган майдонларга ўнлаб тракторлар ва юзлаб ишчилар чиққанини хабар қилишибди. Ротацион мотигалар ёрдамида қатқалоқ зудлик билан бартараф қилинмоқда.

Шу кунларда сув хўжалиги ходимлари кўп ишларни бажаришяпти. Сел келиш хавфи тўғрисидаги хабарлар эндигина тарқалгандаёқ улар Шаҳрихонсой, «Савай», «Пахтаобод» каналлари, Катта Фарғона канали системаси бўйича сувни камайтириб қўйдилар. Шундай қилиб, сув магистралларининг тошиб кетишига барҳам берилди.

Андижон селхонасини қураётган «Андижанирстрой» тресги коллективи ҳам жиддий имтиҳондан ўтди. Бу трест қурган янги сел тўплагичларга бир кеча-кундуздаёқ тоғлардан оқиб тушган 100 минг кубометрдан кўпроқ сув тўпланди.

Область партия ташкилоти оғир об-ҳаво шароитида шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг куч-ғайратини олинган мажбуриятларни муваффақиятли бажаришга сафарбар этмоқда. Андижонликлар бу гал ҳам қийинчиликларни бартараф этадилар.

В. КРИНИЦКИЙ,
«Правда Востока» мухбири.
А. ҚУРОНБОЕВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Х. ИЛЬЯМИНОВНИ «ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШДАГИ АЪЛО ХИЗМАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Жамоат тартибини сақлашдаги ва жиноятчиликка қарши курашдаги хизматлари учун Тошкент шаҳар Фрунзе районн ижроия комитети милиция бўлимининг участка вакили Халил **Ильяминов** СССР Олий Совети Президиуми номидан «Жамоат тартибини сақлашдаги аъло хизмати учун» медали билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1968 йил 28 май,
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

А. О. АБДУЛЛАЕВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ РАССОМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон тасвирий санъатини ривожлантириш соҳасидаги катта хизматлари учун суратқаш рассом Абдулхақ Оқсоқолович **Абдуллаевга** «Ўзбекистон ССР халқ рассоми» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1968 йил 28 май,
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

БИР ГРУППА РАССОМЛАРГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНЪАТ АРБОБИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон тасвирий санъатини ривожлантириш соҳасидаги хизматлари учун қуйидагиларга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвони берилсин:

1. **Грищенко** Филипп Иванович — ҳайкалтарош
2. **Коник** Александр Миронович — безатувчи рассом
3. **Иноғомов** Зокир — суратқаш рассом
4. **Кривонос** Александр Артёмович — суратқаш рассом
5. **Оганесов** Тачат Амаякович — суратқаш рассом
6. **Саидов** Маннон Абдусамадович — суратқаш рассом.
7. **Темуров** Рашид Маҳмудович — суратқаш рассом
8. **Улько** Григорий Ильич — суратқаш рассом

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1968 йил 28 май,
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Н. П. ЛЕУШИНГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНЪАТ АРБОБИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон графика санъатини ривожлантириш соҳасидаги катта хизматлари учун Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Давлат Матбуот комитетининг бош рассоми Николай Петрович **Леушинга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1968 йил 28 май,
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Т. ТЎХТАХЎЖАЕВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНЪАТ АРБОБИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Республикада халқ амалий санъатини ривожлантиришдаги катта хизматлари ва самарали ижодий ва педагогик фаолияти учун Тошкентдаги «Совға» фабрикасининг ёғоч ўймакори Тоир Тўхтахўжаевга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1968 йил 28 май,
Тошкент шаҳри

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

А. М. ДАВИДОВ, Г. Я. ДЗЕВЕНЦКИЙ ВА Ф. К. ҚАЮМОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЭКОНОМИСТ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши экономикасини ривожлантиришдаги хизматлари учун қуйидагиларга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган экономист» фахрий унвони берилсин:

1. **Давидов** Александр Моисеевич — Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик экономикаси илмий тадқиқот институтининг старший илмий ходими.
2. **Дзевенцкий** Григорий Яковлевич — Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик экономикаси илмий тадқиқот институти сув хўжалиги ва мелиорация экономикаси бўлимининг раҳбари.
3. **Қаюмов** Фаварис Қодирович — Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик экономикаси илмий тадқиқот институти капитал маблағларнинг иқтисодий самарадорлиги бўлимининг раҳбари.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1968 йил 28 май,
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Н. ОХУНДИЙГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Республикада нашриётчилик ишини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун Бутуниттифоқ «Внешторгиздат» бирлашмасининг Ўрта Осиё бўлими директори Насрулло **Охундийга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1968 йил 28 май,
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

С. Ҳ. ҲАСАНОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика матбуотини ривожлантиришдаги хизматлари учун «Саодат» журналининг масъул котиби Салоҳ Ҳасанович **Ҳасановга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1968 йил 28 май,
Тошкент шаҳри

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

У. М. МУҲАМЕДОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика матбуотини ривожлантиришдаги хизматлари учун Ўзбекистон КП Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг бош редактори Усмон Муҳамедович **Муҳамедовга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1968 йил 28 май,
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Т. И. ИСҲОҚОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Республикада нашриётчилик иши ва полиграфияни ривожлантиришдаги хизматлари учун Ўзбекистон КП Марказий Комитети Бирлашган нашриёти партия ташкилотининг секретари Тожи Исҳоқович **Исҳоқовга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1968 йил 28 май,
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Партия ва совет органларида узоқ йиллар самарали ишлаганлиги ҳамда туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан, Наманган область Задарё район партия комитетининг биринчи секретари Азиз Холдорович **Нормуҳамедов** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

ТАСС БАЁНОТИ

Германия Федератив Республикасининг сиёсий тараққиёти тобора хатарли тус олмоқда. Германия Федератив Республикасидаги ҳозирги ҳақиқий аҳволга назар ташласангиз, у ерда янги нацизм ва шовинизм кучайиб бормоқда, демократик ва прогрессив кучларга ҳужум қилинмоқда, реваншчилик ва милитаристик кайфиятлар авж олдирилмоқда. Германия Федератив Республикаси ҳукуматининг сиёсати шунга олиб келадики, Ғарбий Германиянинг эртанги куни Европа халқларини янги ташвиш ва машаққатларга дучор қилиши мумкин. Шу муносабат билан Германия Федератив Республикасидаги ҳукмрон партияларнинг фавқулодда қонунлар деб аталмиш қонунларни бундестагдан тезроқ муҳокама қилдириб олишга қарор берганлиги алоҳида эътиборни жалб этади.

Бунда гап ҳозир амалда бўлган конституцияни ўзгартириш тўғрисида ва мамлакатда барча мажбурий ва ҳарбий — сафарбарлик чоралари кўрилишини тақозо этадиган фавқулодда ҳолатни эълон қилиш имконини берадиган бир қанча моддаларни конституцияга киритиш тўғрисида бораётир. Бунда гап Европадаги тинчликка қарши қаратилган антидемократик ва милитаристик характердаги катта тадбирлар тўғрисида бораётир.

Фавқулодда конституция ҳозирги конституциянинг сўз, матбуот, бирлашмалар эркинлигини, почта орқали хат юборишнинг махфийлигини эълон қилган моддаларнинг кучини йўқотади ёки чеклаб қўяди; парламентнинг муҳим ваколатларини «умумий комитет» деб аталган комитет ихтиёрига топширади; бундесвердан аҳолига қарши жазо-чораларни амалга ошириш учун фойдаланишни кўзда тутади.

Конституциянинг ўзгартирилиши ва мамлакатда фавқулодда қонунларнинг жорий қилиниши, Германия Федератив Республикасини милитарлаштиришнинг ажралмас таркибий қисмидир. Бу — Германия Федератив Республикаси ҳукуматининг бундесверни қайтадан қуроллантириш, уни оммавий қирғин қуроли ишлатиладиган, уруш ҳаракатларини, шунингдек «чекланган» урушларни олиб боришга тайёрлаш тадбирлари билан бевосита боғланган. Гитлерчилар аслаҳа хонасидан мерос қилиб олинган «орқа томонни илдамлатиш» идеяси, яъни мамлакатнинг бутун ҳаётини бундесвернинг ҳарбий-стратегия планларига мослаштириш идеяси фавқулодда қонунларга асос қилиб олинган.

Фавқулодда қонунлар конституцияда «мудофаа ҳолати» тўғрисида ёзилган қоидаларга «кескинлик ҳолати» деган тушунчани илова қилади. Бу тушунча Германия Федератив Республикаси ҳукуматига аслида истаган вақтда ҳарбий ҳолатни эълон қилиш имконини беради. Германия Федератив Республикасида тинч вақтдаёқ «аҳолини ҳимоя қилиш» баҳонаси билан ёрдамчи ҳарбий-полиция кучлари сифатида «граждан мудофааси корпуси» деб аталган отрядлар тузилмоқда. Бу корпусда бир неча юз минг киши бўлиши керак.

Германия Федератив Республикаси ҳукумати ва генералитет фавқулодда қонунларга мувофиқ корхоналарнинг ишлаб чиқариш программасини, ишлаб чиқариш номенклатураси ва ҳажмини белгилаш, хом ашё ва энергетика ресурсларини ўз назоратига олиш ва тақсимлаш, корхоналарнинг профилини ўзгартириш ёки уларни ёпиб қўйиш ҳуқуқига эга бўладилар. Бу эса, қурол-яроғ ишлаб чиқариш ва урушдан кўп фойда оладиган йирик концернларнинг манфаатларига тамомила мос бўлиб тушади.

Фавқулодда қонунлар меҳнаткашларнинг сиёсий, социал ҳуқуқларини чеклаш, прогрессив партиялар, касаба союзлари, жамоат ташкилотлари ва бирлашмаларни бостириш йўлидаги янги қадамдир. Қонунлар мамлакатда касб ва иш жойини танлаб олиш эркинлиги чеклангани ҳолда эркаклар ва хотин-қизлар учун мажбурий меҳнатни жорий қилиш имкониятини кўзда тутади. Сиёсий стачка ва забастовкаларгина эмас, балки амалда иқтисодий стачка ва забастовкалар ҳам қонундан ташқари, деб эълон қилиниши мумкин, монополияларнинг ишчиларга қарши оммавий суратда ишдан бўшатиш ва локаутлар каби репрессия чоралари аслида рўёбга чиқарилади.

Фавқулодда қонунлар граждапларнинг мавжуд тартибга қасд қилувчи ҳар бир кишига «қаршилик кўрсатиш ҳуқуқи», деб аталмиш ҳуқуқни эълон қилади. Германия Федератив Республикасининг маъмурлари антифашист демократ кучларни «тартибни бузувчилар» деб, янги нацист ва милитаристик партиялар ҳамда иттифоқларнинг фаолияти конституция доирасига тамомила тўғри келади, деб қараётганликлари эътиборга олинса, у ҳолда «қаршилик кўрсатиш ҳуқуқи»нинг жорий қилиниши сиёсий террор учун йўл очиб бериш, янги нацист шайкаларнинг ўз дидларига ёқмайдиган сиёсий арбоблар ва жамоат арбобларининг ҳаммасидан ўч олишларини қонунлаштиришга уринишларидан бошқа бир нарса эмас.

Янги қонунлар мамлакатда Германия Федератив Республикаси ҳукуматининг қарори билан ҳам, шунингдек НАТО ҳарбий блокининг қарорларига асосан ёки шу қарорларга мувофиқ суратда ҳам ҳарбий ҳолат жорий қилишни кўзда тутади

Германия Федератив Республикасининг фавқулодда қонунлари ўз руҳи ва кўпинча ўз шакли жиҳатидан гитлерчилар даврида амалда бўлган ва нацистлар Германиясини иккинчи жаҳон урушига тайёрлаш ишига, мамлакатнинг бутун ҳаётини ҳарбий изга солиб юборишга хизмат қилган фавқулодда қонунларни эсга туширади. Бу қонунлар Нюрнбергда халқаро трибунал томонидан тинчликка қарши жиноят деб қораланган қонунларга ўхшайди.

Фавқулодда қонунлар масаласида христиан демократлар билан тил бириктирган Ғарбий Германия социал демократлари раҳбар арбобларининг ўйнаётган роли эътиборни ўзига жалб этмай қололмайди. Бу нарса қўлга киритилган министрлик ўринлари эвазига тўланган ҳақ, деб ҳисобловчи кўпгина социал демократлар бундай позицияни маъқулламаётирлар.

Фавқулодда қонунлар Бонннинг реваншчилик руҳидаги ҳарбий-сиёсий йўлини амалга оширишга, аҳоли томонидан кўрсатиладиган ҳар қандай қаршиликни бостиришга, Европадаги мавжуд реал аҳволни эътироф этиш асосида мамлакат сиёсатини ўзгартишни талаб этаётган доираларнинг овозини бўғишга қаратилган.

Фавқулодда қонунлар жаҳонни икки марта вайронгарчилик уруши гирдобига ташлаган герман империализмининг энг агрессив доираларининг ҳокимият тепасига келиши учун йўл очиб беради. Шу сабабли бундай қонунларнинг қабул қилиниши Германия Федератив Республикасининг асло ички иши эмас, бу нарса Европадаги бошқа халқларнинг манфаатларига, умумий тинчлик манфаатларига таҳдид қилади.

Халқлар Федератив республиканинг сиёсий йўлини белгиловчи кишилардан Потсдам битимининг асосий принципларини ҳурмат қилиш ва бу принципларга сўзсиз риоя қилишни талаб этишга ҳақлидирлар ва шуни талаб этмоқдалар. Потсдам битими герман милитаризми ва нацизмга қарши курашнинг тарихий тажрибасини ифода этган эди.

Совет Иттифоқининг раҳбар доиралари Германия Федератив Республикасида фавқулодда қонунларнинг қабул қилиниши хусусида яна бир марта огоҳлантиришни ва бу қонунлар Европада тинчлик манфаатлари учун жиддий оқибатларга сабаб бўлиши мумкин эканлигига эътиборни жалб этишни ўзларининг бурчи, деб ҳисобламоқдалар. Германия Федератив Республикаси ҳукумати ва Ғарб давлатларининг ана шу ҳукумат сиёсати йўлини қўллаб-қувватлаётган ҳукуматлари шуни назарда тутишлари керакки, Совет Иттифоқи ГФРда милитаризм, реваншизм ва янги нацизм кучларининг ўсишига тоқат қилолмайди ва ана шу кучларнинг Европа халқлари тинчлиги ва осойишталигини ҳеч қачон буза олмасликлари учун бошқа тинчликсевар давлатлар билан биргаликда зарур чораларнинг ҳаммасини кўришга тайёрдир.

УЗОҚ УМР СИРЛАРИ

ФАН ВА ҲАЁТ

Одатда ёшликни баҳорга, ақлий ва жисмоний жиҳатдан етилган ўрта ёшни — ёз фаслига, кексаликни эса олтин кузга ўхшатиш расм бўлиб қолган. Чиндан ҳам киши турмушда кўп тажриба орттириб, кексайган пайтида жамиятга катта фойда келтириши мумкин. Шунинг учун ҳам узоқ умр кўриш ҳақида қайғуриш бизда давлат аҳамиятига эга бўлган вазифадир.

Киши умрининг узун ё қисқалиги ташқи муҳитга (иқлим, яшаётган жой ва шароитлар, овқатланиш режими, миқдор ва сифати) ҳамда ички сабаблар, турли касалликлар, айниқса юқумли касалликлар билан оғриш, бодга йўлиқиш, характернинг қандайлиги, асаб ва бошқаларга боғлиқ. Юқумли касалликларни тугатиш ҳамда болалар ўртасидаги ўлимни ниҳоят даражада камайтириш, ҳаёт ва меҳнат шароитларини яхшилаш натижасида кишиларимизнинг умри ҳам узайди. 1959 йили Совет Иттифоқида ўтказилган аҳоли рўйхати вақтида мамлакатимизда 80 ёшга кирган ва ундан ошган 1 миллион 400 минг киши яшаётганлиги аниқланди. Ўзбекистонда эса бундайлар 47300 киши бўлиб, айниқса Хоразм ва Наманган областларида узоқ умр кўраётган кишилар кўпчиликни ташкил этади. **Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда бир аср умр кўраётган мингдан ортиқ киши яшаяпти.**

Энди ўз-ўзидан қонуний бир савол туғилади. **Хўш, 100 ёшга чиқаётган ва ундан ошаётган кишилар қандай умр кечиришади!** Аниқланишича, Ўзбекистон, Доғистон, Абхазия, Озарбайжон ва бошқа жойларда узоқ умр кўриб яшаётган кексалар ичида чекадиган ва ичадиган, дангаса, асабий, бахил кишилар йўқ экан.

Узоқ умр кўришнинг асосий сабаби эса **меҳнат қилиш ва намунали дам олишдир.** Афсуски, биз кўпинча икки нарсанинг қадрини, уни йўқотгандан кейингина биламиз, уларнинг бири ёшлик бўлса, иккинчиси соғлиқдир. Энг ёмони шундаки, соғлиқни йўқота бошлагандан кейингина уни қадрлаб қолишади. Шунинг учун ҳам **ёшлик ва саломатликни бошидан асраш керак.**

Юқорида узоқ умр кўришнинг асосий гарови меҳнат ва дам олишдир, дедик. Ҳақиқатан ҳам **меҳнат ва хушчақчақликдан қарилик қочади.** Шу сабабли қариган чоғда ҳам организмга мос тушадиган фаолиятдан сира юз ўгирмаслик керак. Масалан, ҳовли ва кўчаларни тозалаш, сув сепиш, гул ва дарахтлар ўтқазиш, дурадгорлик билан шуғулланиш мумкин. Рим шоири Овидий ўз вақтида мана бундай деб ёзган эди: «Кўряпсанми, меҳнатсиз кун кечираётган бадан қанчалик палағда бўлиб боряпти, кўлда ҳаракатсиз турган сув қанчалик бузиляпти».

Шу ерда қизиқ бир далилни келтириб ўтмоқчимиз. Совет Иттифоқида бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам хотин-қизлар эркакларга нисбатан ўртача беш йил узоқроқ умр кўрмоқдалар. Бунинг сабаблари кўп, албатта. Лекин аёлларнинг рўзғор ишлари билан доимий шуғулланиб туришлари уларнинг умрини узайтираётгани ҳам аниқ ҳақиқат. Киши саломатлигига меҳнатнинг ўзи эмас, балки меҳнат шароитлари салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Одамлар кўпинча ишни маълум режим асосида ташкил қилмаслик орқасидагина чарчайдилар. **Меҳнат ва дам олишни ўзаро мослаштириб туриш жуда муҳимдир.** Меҳнатни ва дам олишни тўғри ташкил этиш эса кишининг ўзига боғлиқ. Фаннинг исбот қилишига кўра, ётиб «дам олиш» организмни чиниқтирмайди. Дам олиш актив формада бўлиши керак. **Фойдали дам олиш чарчаган мускулларни бутунлай «тўхтатиб қўйиш» ҳисобига эмас, балки чарчамаган бошқа мускулларнинг ишини ҳам жонлантириш орқали амалга оширилиши зарур.**

Киев геронтология институти мўйсафид кишиларга қуйидаги соғломлантириш минимумини тавсия қилади. Эрталаб 10-12 минут гигиеник гимнастикасини бажаргандан сўнг бир-икки соат давомида соф ҳавода юриш лозим. Кўпроқ юриш кексайган киши мускулларини ишга туширишнинг энг қулай йўлидир. Лекин юриладиган масофани аста-секин узайтириб бориш керак. Чарчаган одамга биринчи навбатда соф ҳаво зарур. Тушлик танаффус пайтини фақат овқатланишга эмас, бир оз айланиб, ҳордиқ чиқариб, баъзи ўйинлар билан шуғулланишга ҳам сарфлаш керак. Таассуротларнинг алмашиб туриши киши организмига ижобий таъсир кўрсатади. Туризм, овга чиқиш, балиқ тутиш — буларнинг ҳаммаси одамга қувват бағишлайди. Боғлар, далалар, ўтлоқлар, дарахтзорлардан завқланиб қайтган киши ўзини ниҳоятда соғлом, бақувват ҳис қилади. Ҳатто касалликни даволашда яхши кайфиятнинг муҳим роль ўйнашини қадимги араб луқмонлари ҳам айтган эдилар. Шу мақсадда ўша вақтларда касалхоналарда музикалар чалинган, раққосалар ўйнаб, хонандалар ашула айтганлар. Қадимги дунё ҳакимлари киши асабига музиканинг таъсирини алоҳида таъкидлаганлар. Ҳозирги замон электрон аппаратлари эса киши мускуллари музикани диққат билан «эшитишини» аниқлади. Бир хил музика таъсирида мускуллар торайса, бошқа музикада бўшашади. Шунинг учун ҳам марш музикалари кишининг руҳини бирдан кўтариб юборади. Ёқимли музикани эшитганда томир уриши секинлашиб, юрак иши нормаллашади, қон босими пасайиб, қон ташувчи томирлар кенгаяди.

Саломатликни, **узоқ умрни таъминлайдиган яна бир нарса хушчақчақликдир.** XVII асрда яшаган атоқли инглиз врачи Сиденгамнинг фикрича, шаҳарга келган масхарабоз дори-дармонларни ортиб келган ҳар қандай шифокордан кўра кишиларнинг саломатлигига кўпроқ фойда келтирар экан. Ҳақиқатан ҳам кулги, аския, қизиқчилик — саломатлик рамзи, ҳаётдан завқлана билишни, қийинчиликлар устидан ғолиб келганликни кўрсатувчи белгидир.

Уч-тўрт оғиз сўз асаб системаси ҳақида. Киши асаб системасида тинимсиз равишда электр гирдобига ўхшаш ҳол содир бўлиб туради. Ҳозирги замон электрон машиналари энг майда нерв толалари ҳаракатини ҳам сезиш қобилиятига эга. Ана шу толалар ҳар секундда 8—20 ва ундан ортиқ электрик импульс ўтказиб, бош миямизга сигнал бериб туради. Гарчи биз бир қарашда сезмасак ҳам, ана шу нозик толалар хафа бўлганимизда, ғазабланганимизда ёки қўрққанимизда «ўзини йўқотиб қўяди», иши бузилади, қийналади. Шунинг учун **ҳам врачлар ҳар доим кишиларни хотиржамликка, бекордан-бекор хафа бўлмасликка, ўзаро хушмуомалада бўлишга чақирадилар.** Акс ҳолда юқоридаги белгилар кишини охири бориб гипертония, атеросклероз, инфаркт, инсульт ва бошқа касалликларга йўлиқтириши муқаррар.

Яхши дам олиш ҳақида гапирар эканмиз, уйқу хусусида алоҳида тўхталиб ўтишга тўғри келади. А. С. Пушкин уйқуни юрак дардларининг сеҳргар халоскори, деб атаган эди. И. Е. Тарханов олиб борган кузатишлар натижасида шу нарса аниқланганки, тажрибада синалган бир ит 25 кун давомида овқатсиз яшай олгани ҳолда, 5 кун уйқусизликда сақланганда у ҳалок бўлган. Ҳатто турналар ҳам қитъалар ва океанлар устидан ҳар йили учиб ўтаётган пайтларида йўл-йўлакай ухлаб борадилар. Уйқу — тормозланишнинг ўзига хос формасидир. **Уйқу пайтида** организмда рўй берадиган хилма-хил ҳаётий функциялар секинлашади, **бутун тана ором олади.** Ҳар доим бир вақтда ухлашга одатланиш керак. Ана шунда кишида маълум рефлекс пайдо бўлади. Баъзи кишилар эса мана шу муҳим рефлексни «бузадилар», натижада улар уйқусизликдан жабр чекадилар. Шунингдек, ётиш олдидан кўп овқат ейиш ҳамда шовқин-суронли, ҳавоси бузилган хонада ўтириш ҳам уйқусизликка сабаб бўлиши мумкин. Ухлаганда қайси томон билан ётиш керак? Ўнг ёнбошда **ухлаш энг фойдалидир. Ана шунда** юрак нормал ишлайди, жигар эса бошқа организмларни босиб тушмайди. Юз билан ётиш ҳам мумкин эмас. Бу — қон айланишини, эркин нафас олишни оғирлаштиради. Шунингдек, оғир, иссиқ кўрпа ёпиниш, баланд, юмшоқ ёстиқда ётиш ҳам яхши ухлашга халақит беради. Баъзи кишилар ётганларида бошларини ўраб оладилар. Натижада улар соф ҳаводан баҳраманд бўлолмайдилар. Ёз пайтида уйнинг деразаа ва эшикларини очиб қўйган маъқул, қишда эса лоақал форточкани очиб ётиш керак. Уйқусизликка учраган киши ётишдан олдин соф ҳавода юриши, оёғини иссиқ сувга солиши, иссиқ душда ювиниши, бошининг орқасига ва икки курağи ўртасига горчичник қўйиши лозим. Ана шунда ҳам уйқу келавермаса, махсус порошокни ҳар куни аниқ бир вақтда ичишга тўғри келади. Ана шунда шартли рефлекс пайдо бўлади. Уйқудан олдин аччиқ чой, кофе ичиш, чекиш ярамайди. Ўринда ётиб ўқиш зарарлидир. Бу биринчидан, кўзга ёмон таъсир қилса, иккинчидан китоб ёки газетадан олинган таассурот кишини яхши ухлашга қўймайди, у ҳар хил тушлар кўриб чиқади.

Одам кексайганда ўзини бардам тутиш учун ёшликданоқ овқатланиш режимини тўғри олиб бориши керак. Киши организмидаги ҳар бир орган, шу жумладан ҳазм қилиш органлари ҳам маълум ритм билан ишлайди. Киши ана шу ритмга мос овқатланганидагина организмда модда алмашиниши яхшиланади. Лекин шуни айтиш керакки, ҳаётимиздаги энг кўп қоидани бузиш — кўпинча овқатланиш масаласида бўлади... Энди узоқ яшаш учун қандай таомлар ейиш керак, деган савол туғилади. Ҳиндистоннинг шимолида (Кашмир) хунза деб аталувчи кичик бир халқ яшайди. Бу халқнинг ўртача ёши 110—120 йилни ташкил этиб, узоқ яшашликда жаҳонда биринчи ўринни эгаллайди. Шотландиялик врач Мак Каррисоннинг кузатувига биноан бунинг асосий сири шундаки, хунзалар маълум овқатланиш қоидасига қаттиқ амал қилиб, гўштни жуда кам ер эканлар. Асосан, улар сабзавотни хомлигича истеъмол қилиб, фақат қайнатилган сув ичадилар. Спиртли ичимликларни мутлақо ичмайдилар, чекмайдилар. Водийда ўрик, олча, олхўри, шафтоли, узум кўп етиштирилиб, бу маҳсулотлар хунзаларнинг асосий овқатларидир.

Сабзавот, мева ва сут саломатлик учун сув-ҳаводек зарур нарсалардир. Чунки бу маҳсулотлар витаминларга жуда ҳам бой.

Хуллас, кундалик ҳаётимизда қатъий режимга амал қилсак, соғлиғимизни сақлаган, қадрлаган бўламиз.

А. ЗОҲИДОВ,
профессор, медицина фанлари доктори.

ЮРТИМИЗ ЧЕГАРАЛАРИНИНГ ПОСБОНЛАРИ

Москва шаҳри меҳнаткашлари вакиллари ва чегарачи жангчиларнинг 27 майда Союзлар уйининг колонна залида ўтказилган тантанали йиғилиши мамлакатимиз шонли чегара қўшинларининг эллик йиллигига бағишланди.

Йиғилиш президиумида Ю. В. Андропов, Д. Ф. Устинов ўртоқлар, СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосари, Совет Иттифоқи Маршали И. И. Якубовский, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармасининг бошлиғи армия генерали А. А. Епишев ва бошқалар ўтирибдилар.

Йиғилиш қатнашчилари ғоят баланд руҳ билан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросини фахрий президиумга сайладилар.

КПСС Марказий Комитетининг секретари Д. Ф. Устинов КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг совет чегарачиларига табрикномасини ўқиб берди.

Чегара қўшинлари бош бошқармасининг бошлиғи генерал-полковник П. И. Зирянов чегара қўшинларининг қаҳрамонона эллик йиллиги тўғрисида доклад қилди.



Ленинграддан келган қурувчилар янги Тошкентни барпо этишда самарали меҳнат қилдилар. Суратда: қардошларимиз Чилонзор массивида тиклаган уй-жойлар ва йирик мактаб биноси.
И. Глауберзон фотоси.

СЎЗ — ДЕКАДА ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Басир РАСО

ИНТИЗОР

Тун ойдин, оқ булутлар пора-пора,
Кулиб юлдуз этар менга назора.
Висол чоғи бўлиб ой бирла ҳамроҳ
Ёнимга ой юзим келсайди зора.

Булутлар ортига ой қочди дилтанг,
Нигорим, шунчалар қаттиқми
дийданг?
Топилмас интизорликдан оғир
дард.
Бу ҳижрон имтиҳонми ёки ҳийланг?

Мабодо бўлмаса ёнимда ёрим,
Булут янглиғ қочар бошдан
хаёлим.
Турибман мен висолинг кўчасида,
Эриб шамдай топарманми заволим...

Келар бўлсанг, изинг, ёр,
шуълавордир,
Ишонч бер, шубҳани ҳайдаб
юбортир.
Нигор, кўйингда мен ёлғиз
эмасман,
Бугун йўлингда ой ҳам интизордир.

Ҳ. ШАРИПОВ таржимаси.

Салимшоҳ ҲАЛИМШОҲ.

ҚУЁШ ЧЕҲРАМИЗ

Жаҳон биз навқиронларнинг қўлида навқирон бўлғай,
Қуёшдек чеҳрамиз-ла тонг эса, дилбарсимон бўлғай.

Назар айла, муҳаббат қалбимиз ичра макон тутмиш,
Бу давлат, бил, нишига то абад ному нишон бўлғай.

Баҳор фаслию ёшлик чоғининг оламда йўқ мисли,
Яшаргай хислатидан кексалар ҳам навқирон бўлғай.

Мисоли сув эрурмиз оқмагаймиз орқага асло,
Замонга эргашиб ёшлар мудом олға равон бўлғай.

Қуёшдек нур сочармиз ерга ҳиммат-ла назар ташлаб,
Бутун оламни деб ободу боғу бўстон бўлғай.

Кезармиз бетиним боди сабо янглиғ шунингчун ким,
Очилгай янги гуллар боғимиз ҳам гулга кон бўлғай.

Фалакдир жойимиз, ҳар қайсимиз битта ёруғ юлдуз,
Яна осмондаги сирлар очилгай бегумон бўлғай.

Мусаффо чашмадек ҳар қайсимизнинг қалбимиз тоза,
Бутун лаб ташналарни қондириб дарёсимон бўлғай.

Бошига келса қаттиқ кун, дилига марди майдоннинг
Етиб бизнинг тараннум қудрату ороми жон бўлғай.

Чустий таржимаси.

А. ҚАҲҲОРИЙ.

РАССОМ

Табиат ўзи бир ажойиб рассом,
Оламни безатиб берган у чирой.
Табиат ўзи бир ўйноқи илҳом,
Ҳайратда қолади одам ҳойнаҳой.
Жаҳонни сайр қилмоқ бўлиб бир
замон
Бир киши ранг билан қилқалам
олди.
Тожиклар юртидан ўтмоққа
имкон —
Топдию, бир фурсат тўхтаб дам
олди.
Кўк, яшил ранг билан чиза
кетди у
Шўх дарё, арчаю толлар
расмини.
Атиргул, лолага ҳадя этди у
Қизилу оқ ҳарир кўйлак аксини.

Сариғу қора ранг билан тоғ
ясаб,
Кийдирди оқ дўппи унинг
бошига.
Сўнг бориб узоқроқ нигоҳин
ташлаб
Ҳайратда қолди ўз қилган ишига.

Жўнаши олдидан дарё бўйида
Ўтириб завқ ила хиргойи қилди.
Варзоб деб ном берди унга
қуйида,
Сўнг қанча рассому кўп йўлчи
келди.
Қобулда пешин пайт бўлган
бир онда
Шаҳарда қуёшнинг базми
борарди.
Ва лекин қовжираб гул хиёбонда
Кўкдаги саробга умид боғларди.

Яна юксакларга йўл олди
рассом,
Ранглар жилоланди қаламдонида.
Янги расм чизди у бошқа
тамом,
Ва уни атади Пағмон номида.
Тоғ расмин ясади икки томондан,
Оқ қалпоқ кийдириб қўйди
бошига.
Ариғу чашмага ранг бериб
жондан,
Арчаю толзор боғ қилди қошида.
Табиат ўзи бир нодир ижодкор,
Уз ишин қилади ҳар сафар
такрор:
Пағмоннинг ҳуснига қараб
тўйдию,
Варзобнинг нақшини олиб
кетди у.

М. ТУЛҚИН таржимаси.

ТОЖИК ЛАТИФАЛАРИ

Самад ҒАНИ.

ТУШУНМОҚ УМИДИДА

— Шеърримни ўқидингизми?
— Ҳа, ўн икки марта ўқидим.
— Ўн икки марта ўқиган бўлсангиз маъқул бўлибди-да?
— Йўқ, бирор нарса тушунмоқ умидида ўқиган эдим.

«УЗОҚҚА БОРОЛМАЙМАН»

— Ҳавохон, Сиз олий мактабни тамом қилдингиз. Энди Сизни тоғлик районга ишга юборамиз, — дейишди институтда бир студентга.
— Боролмайман, профессор.
— Нима учун?
— Ўзингиз доим шу илмим билан узоққа бора олмаслигимни таъкидлар эдингиз-ку.

ВАҚТИМ ЙЎҚ

— Мудир ака, нима учун доим иш вақтида шахмат ўйнайсиз?
— Чунки ишдан кейин вақтим йўқ.

АЛЛА

Бир бастакор янги куй яратди. Уни эшитганда ҳамма ухлаб қолди. Афандидан сўрашди:
— Афтидан, куй, тингловчиларнинг қулоғига ёққан кўринади. Унга қандай ном қўямиз?
— Алла.

БУ НИМА?

Бир киши идора бошлиғининг олдига қоғозга ўралган бир даста пул олиб келди.
— Бу нима? — сўради бошлиқ.
— Совға, хўжайин.
У ўғрлиқ нарсани оларкан, деди:
— Хайриятки, совға экан. Агар пора бўлганда, олмасдим.

ШАМОЛ ҲАМ СОВУҚ ЕЙДИМИ?

Маҳмуджон онасидан сўради:
— Онажон, шамол ҳам совуқ ейдими?
— Йўқ, совуқ емайди.
— Нимага бўлмаса, эшикни очганимизда, чопиб уйга кириб кетади.

Тожикчадан Н. Раҳимов таржимаси.

ЗАРДЎЗ ҚИЗ

Гулчеҳра СУЛАЙМОНОВА

Бахмалингга зар тортасан,
Осмоний ранг, ҳал тортасан,
Қуёшу қамар тортасан,
Меҳримни, дилбар, тортасан,
Ақлим ҳайрон этдинг, зардўз,
Сўзанангдан қамашди кўз,
Тўнилганми кўкдан юлдуз,
Мақтовингга топмадим сўз.
Келинчак акси санъатинг,
Замонанг нақши санъатинг,
Толеинг рақси санъатинг,
Маҳорат бахси санъатинг.
Анбар сочинг бошда чамбар,
Енг шимариб тортасан зар,
Сирларингдан бергил хабар,
Зардўзмисан ёки заргар?!

Г. ЖУРАЕВА таржимаси.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЎҚИГАН ТАЛАБАЛАР

Кейинги 22 йил давомида Островский номидаги Тошкент театр санъати ва рассомлик институтининг актёрлик, режиссёрлик ва рассомлик факультетларида қардош Тожикистон республикасидан келган эллик беш актёр, ўн беш режиссёр, ўн беш театршунос, йигирма наққош таълим олиб, қардош республикага қайтдилар.

Тожикистон халқ артисти, Рўдакий мукофотининг лауреати Гурменч Завқибеков Лоҳутий номидаги академик драма театрида ижод қилиб келаётган Марат Орипов, Алик Раҳмонқулов, Бурхон Ражапов, Матлуба Холиқова, Хорог область музикали драма театрида ишлаб келаётган Тожикистонда хизмат кўрсатган артистка Зарагул Искандарова, Палла Завқибеков, Мирзо Маматазизов, Шер Пўлатов, Назаршо Шодмонбеков, Ленинобод область музикали драма театридан Дилдор Баронов, Аскар Одинаев, Мая Содиқова ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ўзбекистонда ўтаётган декада муносабати билан сизларнинг санъатингиздан беҳад шод эканлигимизни билдирамиз, шогирдлар.

М. ФАТТОХОВ,
Тошкент театр санъати ва рассомлик институтининг ўқитувчиси.

ДЕКАДА муносабати билан республикамизга ташриф буюрган тожикистонлик рассомлар ўзларининг ўзбекистонлик ҳамкасабалари билан фикрлашиб олмоқдалар. Суратда: тожик мўйқалам усталаридан (чапдан) Ашур Ҳайдаров, Абдураҳмон Раҳимов, Раҳим Аҳмедов (Ўзбекистон) ва Сирожиддин Нуриддинов ўртоқлар суҳбатлашиб турган пайт тасвирланган.

А. ТУРАЕВ фотоси.

АНДИЖОНДА ШОДИЁНА

АНДИЖОН. («Совет Ўзбекистони» мухбиридан телефон орқали). 26 май куни эрталаб Балиқчи районининг Қорадарё соҳиллари одамлар билан гавжум бўлиб кетди. Балиқчиликлар бу ерда қардош тожик диёридан келган декада қатнашчиларидан бир группасини самимий ва илиқ кутиб олдилар.

Балиқчи районининг марказида шу муносабат билан бўлиб ўтган митингда район партия комитетининг биринчи секретари А. Тожибоев, «Правда» колхозининг раиси Х. Эргашева декада қатнашчиларини табрикладилар. Тожикистон ССР Министрлар Совети кинематография Давлат комитетининг раиси ўртоқ С. Мирзашоев жавоб нутқи сўзлади. Талантли шоир Мўмин Қаноат дўстлик ҳақидаги шеърини ўқиб берди.

Кечқурун Навоий номли маданият ва истироҳат боғида шаҳар жамоатчилигининг декада қатнашчилари билан учрашуви бўлди.

БУХОРОЛИКЛАР МЕҲМОНИ

Шу куни Бухоро шаҳри меҳнаткашлари ҳам қардош тожикистонлик адабиёт ва санъат арбобларини қучоқ очиб, гулдасталар тутиб кутиб олдилар.

Меҳмонлар Бухоро районидаги Фрунзе номли колхозда бўлдилар. Кекса боғбон Н. Насруллоев билан номдор пахтакор Р. Ҳусаинов ўртоқлар қардошларга нон-туз тутадилар. Шундан кейин бу ерда митинг бошланиб кетди. Колхоз раиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони А. Раҳимов, «Правда» колхози партия ташкилотининг секретари А. Иброҳимов, «Ленинизм» колхозининг раиси О. Убайдов ва бошқа ўртоқлар қўшни республикадан келган азиз меҳмонларни қизгин табрикладилар ва уларга эсдалик совғалари топширдилар.

Т. НАЗИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Гулчамбарлар қўйдилар

Кеча, 28 майда кундузи тожик адиблари Ленин мукофоти лауреати Мирзо Турсунзода бошчилигида Чиғатой қабристонига бориб, Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода ва Абдулла Қаҳҳор мозорига гулчамбарлар қўйиб, сукут сақладилар.

Улар шундан сўнг Қардошлар мозорига бориб, оташин ўзбек шоири Ҳамид Олимжоннинг қабрига гулдаста қўйдилар.

Ю. ҲАМДАМ.

Ғалла ўримига шайланинг!

МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

Бепоён далаларимизда бу йил ғалладан ҳар қачонгидан ҳам мўл ҳосил етиштирилмоқда. Қишлоқ меҳнаткашлари ўрим-йиғим кампаниясини қисқа муддатларда ўтказиш ва олинган мажбуриятни муддатидан илгари бажариш учун астойдил курашяптилар. Улар меҳнат унумдорлигини оширишда бажарилган ишнинг ҳажми ва сифатига қараб ҳақ тўлашни тўғри йўлга қўйиш — муҳим омиллардан бири эканлигини яхши биладилар. Шунинг учун ҳам ҳосилни тезроқ саранжом-саришталаб оламан, деган хўжалик раҳбари далада ишни аниқ график асосида тўғри ташкил этиши ва меҳнатга ҳақ тўлашда қатъий тартиб ўрнатиши керак.

Республикамиз совхозларида ғалла ўрим-йиғими даврида меҳнатга ишбай усулида ҳақ тўланади Ишчилар белгиланган нормани бажарганликларига қараб иш ҳақи оладилар. Ана шундай шароитда меҳнатга ҳақ тўлаш техникавий асосланган нормативлар билан боғлиқ ҳолда бўлмоғи ва шу нормативларга амал қилинмоғи зарур.

Ишлаб чиқариш нормасини аниқлаш мақсадида хўжаликлар машиналарнинг меҳнат унумдорлиги жадвали нормаларига ҳамда ёнилғидан фойдаланиш нормаларига қараб иш тутишлари керак Бунинг учун алоҳида жадваллар мавжуддир. Бундай жадваллар махсус справочникларда босилган.

Совхозларнинг раҳбарлари ана шу жадвалларга асосланиб, касаба союзларининг ишчилар комитети билан ҳамкорликда ҳар бир бригада бўйича ишлаб чиқариш нормаларини белгилайдилар. Бунда ишнинг конкрет шароитлари: пайкалнинг узунлиги, участканинг рельефи, ғалла ҳосилдорлиги, ғалланинг ётиб қолиш ёки ўтбосиш даражаси, комбайнлар сони ва бошқа факторлар ҳисобга олинади. Одатда ишлаб чиқариш нормаси янчилган дон тонналарига, ёки ҳосили йиғиштириб олинган гектарлар миқдорига қараб белгиланади.

Шу хусусда мана бундай мисол келтириш мумкин. Айтайлик, бригада ҳосилни ДТ-54 тракторига тиркалган С-6 комбайни билан йиғиштириб оляпти. Пайкалнинг узунлиги ўртача 500 метр ва ҳосилдорлик гектар бошига 14 центнерни ташкил этади, ҳар бир агрегатга смена нормаси (етти соатлик) 10 гектар белгиланган, дейлик. Ана шунда бир сменада янчилган дон 140 центнерни ташкил этади. Агрегатда тўрт киши хизмат қилади. Булар: тракторчи, комбайнчи, комбайнчининг ёрдамчиси ҳамда сомонни йиғиштириб оладиган ишчидан иборатдир.

Ғалла ўрим-йиғимида тракторчига механизациялашган ишлар сеткаси бўйича бешинчи разряд бўйича 4 сўм 20 тийиндан, комбайнчига олтинчи разряд билан 5 сўмдан ва комбайнчининг ёрдамчисига учинчи разряд бўйича 3 сўм 20 тийиндан ҳақ тўланади. Қорақалпоғистон АССР совхозларида ғалла ўримида қатнашаётган механизаторларга тариф сеткасининг учинчи группаси бўйича ҳақ берилади.

Сомон йиғиштирувчиларнинг иши тўртинчи разряд билан баҳоланади.

Совхозларда ҳосили йиғиштириб олинган майдон учун 40 процент ва ғалласи янчилган майдон учун 60 процент миқдорида иш ҳақи тўланади. Шундай қилиб, экипаж агрегати учун қуйидагича ҳақ тўлаш белгиланади:

	Ҳар бир гектар ердаги ғаллани ўриб берганлиги учун	Бир тонна дон янчиб бергани учун
Комбайнчига	20 тийин	21 тийин
Комбайнчининг ёрдамчисига	12,8 тийин	13,7 тийин
Тракторчига	16,8 тийин	18.0 тийин
Сомон йиғиштирувчига	10,1 тийин	10.9 тийин

Кўпгина совхозларда ғалла ўрим-йиғимида иштирок этаётган ишчиларга меҳнат ҳақи комбайнчилар иш ҳақига нисбатан процент ҳисобида тўланмоқда. Бу усул ҳисоб-китоб ишларини анча енгиллаштиради. Буни қуйидаги мисолда кўрса бўлади.

Ғалла ДТ-54 тракторларига тиркалган комбайнларда ўриладиғ Ғалла майдони суғориладиган пайкаллардан иборат, рельефи — текис, тупроғи — юмшоқ, картанинг узунлиги 370 метр, ҳар гектар майдоннинг ҳосилдорлиги 35 центнер, бегона ўт кам, бошоқлар ётиб қолмаган, деса бўлади. Бундай шароитда ҳар бир агрегатга смена нормаси 5,6 гектар белгиланади. Ишлаб чиқариш топшириғи нормал шароитдаги топшириққа нисбатан камайтирилади, ёнилғидан фойдаланиш нормаси эса—15 процент кўпайтирилади. Нормага биноан, бир сменада 19,6 тонна дон янчилган дейлик. Демак, тариф ставкаси бўйича иш ҳақининг ярми ўриб олинган гектарлар учун. қолган ярми эса, янчилган дон учун бериб борилади. Бунда иш ҳақи миқдори фақат комбайнчи учун аниқланган; яъни ҳар бир гектар ердаги ғаллани ўриб олганлиги учун 44.6 тийин ҳамда бир тонна дон янчиб бергани учун 12.8 тийин белгиланган

Шунга асосланиб, агрегатнинг бошқа аъзоларига меҳнат ҳақи комбайнчининг иш ҳақи миқдорига қараб бериб борилади.

Агар комбайнчи бир нечта комбайнларда ишласа, тракторчи эса тракторга тиркалган бир қанча комбайнларда меҳнат қилса, уларнинг тариф ставкалари ҳар бир қўшимча комбайнда ишлагани учун 40-60 процент миқдорида кўпаяди. Бошқа экипаж аъзоларига ҳам меҳнат ҳақи махсус қўлланмаларда кўрсатилган қоидалар асосида тўланиши шарт.

Механизаторларга тариф сеткасининг учинчи группаси бўйича ҳақ берилади.

Дон экинларини, дон-дуккакли экинлар ва маккажўхорини қисқа муддатларда ўриб олиш ва бу ишни сифатли ўтказиш учун ўрим-йиғим ишлари оммавий равишда бошланган биринчи ўн кунликда смена нормаларини бажарган тракторчи-машинистларга 60 процент қўшимча ҳақ тўланади. Шу билан бирга, тракторчи-комбайнчиларга, комбайнда ишлаган бошқа кишиларга нормани ошириб бажарганликлари, сифатга эътибор берганликлари, мавсум топшириғини тўла адо этганликлари учун 3 центнер ғалла бепул берилади. Агрегатларда ишлаган бошқа кишиларга комбайнчига берилган дон миқдорининг проценти ҳисобидан ҳақ тўланади. Масалан, тракторчига 80 процент, комбайнчининг ёрдамчиси ва шофёрга 70 процент, сомон йиғувчига 50 процент берилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети совхозларнинг директорларига ўз хўжаликларида етиштирилган ғалладан ҳар йили тракторчи-машинистларга уларнинг маошлари ҳисобига 3 центнергача дон сотишга рухсат берди. Бу дон белгиланган харид нархлари бўйича сотилиши керак.

Кўриниб турибдики, ғалла ўрим-йиғимида асосий куч ҳисобланган механизаторларнинг меҳнати бу йил ҳам муносиб тақдирланади. Ғаллачилик хўжаликларининг раҳбарлари, мутахассислари одамларнинг меҳнатига ҳақ тўлаганда ҳукумат кўрсатмаларига амал қилишлари керак. Меҳнатга ҳақ тўлаш тўғри уюштирилса, ўрим-йиғим ҳам жадаллашади, давлат планлари ва социалистик мажбуриятлар беками-кўст бажарилади.

Б. МЯСОУТОВ,
Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрлиги меҳнат ва иш ҳақи Бошқармасининг бошлиғи.

Саёҳатнома

УЙҒУН,
Назир САФАРОВ.

«Навбаҳор очилди гуллар, сабза бўлди боғлар,
Суҳбат айлайлик келинглар жўралар, ўртоқлар».
Муқимий.

Мавлоно Муқимий жуда яхши айтганлар. Биз ҳам навбаҳорда, гул фаслида дўстлар билан суҳбат қилгали, янги дўстлар орттиргали, яйраб ўйнаб келгали кўклам саёҳатига чиқдик. Саёҳатни Андижондан бошладик. Самолётдан тушувимиз билан атрофимизни дўст-ёронлар қуршаб олишди.

Бир зумдаёқ суҳбат қизиб кетди. Ҳамсуҳбатлар бири олиб, бири қўйиб, шавқ-завқ билан Андижонда юз бераётган ўзгаришлар, янги қурилишлар ҳақида, шаҳар ва областнинг истиқболи тўғрисида сўзлаша кетдилар.

Гап-гапга уланиб, суҳбат Андижоннинг ажойиб хушҳаво жойлари, меҳнаткашларнинг ишлари, дам олишлари ҳақида борди

«МИРПЎСТИН»

Бир вақтлар Андижоннинг ажойиб сайилгоҳ ери бўлган «Мирпўстин» жуда ҳам донг чиқарган эди. Андижонга келган меҳмонлар бу ердаги ажойиб, покиза чойхоналардан бир чойнак чой ичмасдан, бир луқма ош ёки тандир кабобдан татимасдан, шифобахш муздек булоқ сувидан бир қултум ютмасдан кетолмасдилар. Машҳур хофизлар Эрка Қори, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов ва созандаларнинг санъатини шу ерда роҳат қилиб тинглашардилар, тиниқ булоқлардаги балиқлар ўйинини томоша қилиб ҳордиқ чиқаришарди кишилар.

— «Мирпўстин» ҳали ҳам ўшандақами, бир кўрсак бўлармикин? — сўрадик биз.

Ҳамсуҳбатлар илжайишиб бир-бирига қараб қўйишди.

— У айтган дарахтларингиз аллақачонлар кесилиб кетган, Ҳа, вақтида йўл қўйилган хатонинг «маҳсули бўлди», у. Биз энди ўша хатоларни тузатиш, «Мирпўстин» ва шунга ўхшаш истироҳатгоҳ жойларни қайта тиклаб, обод қилиш, аввалгисидан ҳам чиройли қилиш пайида юрибмиз — деди Турсуной Каримова. — Нега десангиз, одамларимизнинг ҳаёти кундан-кун фаровонлашмоқда, беш кунлик иш кунига ўтдик. Одамлар яхшилаб дам олгуси, ҳордиқ чиқариб ўйнаб-кулгуси келади. Қаҳрамонона меҳнат қилаётган халқимизнинг бу қонуний талабларини эътиборга олишимиз, мукаммал шарт-шароитлар яратиб беришимиз зарур-да! «Мирпўстин»дек истироҳат жойлар ташландиқ бўлиб қолганидан, одамлар дам олиш кунлари машиналарга тушиб соя-салқин жойлар қидиришадилар, узоқ-узоқларга кетишадилар.

— Қани бўлмаса юринглар, биргалашиб «Мирпўстин»ни кўрайлик! — таклиф қилди шаҳар партия комитетининг секретари.

— Ўша жойда ёзувчилар учун ижодий уй ҳам солиб берсалар нур устига нур бўларди. Узоқдаги курортларга бориб юрмасдан шу ерда мазза қилиб ҳам дам олардик, ҳам ижод қилардик — деди ўз дардини айтиб, — ёзувчилар союзи — Андижон бўлимининг бошлиғи драматург Ҳошимжон Раззоқов.

— Ҳошимжон ака, Сиз бу арз-додингизни Охунбобоев колхозининг раиси Фазлиддин Неъматжоновга айтасиз. Чунки «Мирпўстин» шу колхознинг чекида. Ҳа, кейин дам олишни фақат ёзувчиларга чиқарган эмас, колхозчилар ҳам дам олгиси келади — деди кулиб секретарь

Биз мезбонлар билан, шағал тўкиб тузатилаётган янги йўлдан ўтиб, «Мирпўстин»га бордик. Айланишиб кўздан кечирдик. Аҳвол қувонарли эмас. «Мирпўстин» саҳни хийла торайиб, теварак-атрофига одамлар уйлар қуриб олишибди; Булоқларнинг кўзи бекилиб, бегона ўтлар билан қопланган, балиқлардан эса асар ҳам йўқ. Енбошдаги катта қабристон хароб, ҳувиллайди. Лекин сақланиб қолган азим дарахтлар, ёнбағир-тепаликлар ўз салобатини сақлаб турибди. Гўё қарасаларинг яна аслимга қайтаман деяётгандек...

Шу булоқ атрофидаги шоҳ супа, чорпоя шийпонларда ўтириб, райҳон-жамбул гуллар бўйидан маст бўлиб, улфатлар билан бир сиқим қўл бола паловдан еб, аччиқ кўкчойдан хўплаб ҳордиқ чиқаришнинг савобига нима етсин!

Мана бу йил Наврўз байрами тикланиб қандоқ яхши бўлди. Ҳамма, катта-кичик хурсанд. Сумалак пиширмаган маҳалла, хонадон қолмади. Исмолоқ сомсаларни айтмайсизми! Қани энди сайил ҳам тикланса-ю, биринчи сайилни Сизлар билан обод бўлган «Мирпўстин»да биргалашиб ўтказсак.

Дарҳақиқат сайилнинг ҳам ажойиб гашти бор. Ғарқ пишиқчилик пайтида сайил ўтказиларди. Деҳқон йил бўйи тер тўкиб, ҳосилни етиштириб пахта теримига тушиш олдидан, иш енгиллашган пайтда сайил қилинарди.

Касофат уруш бўлди-ю, забардаст йигит-яланглар урушга кетди, иш оғирлашди, ҳажми кенгая борди, вазифалар ортиб, бош қашишга ҳам қўл тегмайдиган бўлиб қолди. Ўша маҳалларда байрамлар озайди, бора-бора сайил ҳам ўз-ўзидан барҳам топди.

Энди, замон мутлақо бошқа.

Фан ва техника, механизация, электрификация деҳқонларимизнинг жонига оро кирди, ишини енгиллаштирди, ўйин-кулги ва мириқиб дам олишга ҳам имконият туғдирди. Бу ҳол йилдан-йилга авж олади. Пахтачиликда энг оғир меҳнат ҳисобланган чопиқ ва қўл теримини машиналар бажарадиган бўлди. Бу шароитда биз одамларнинг талабига жавоб бера билишимиз керак.

Назаримизда халқимизнинг қонига сингиб кетган, бир вақтлар яхши урф-одат ҳолига кириб қолган сайилни ҳам тиклайдиган пайт келди. Бу ҳақда ким билан гап очмайлик шу фикрни қувватлайди.

Биз Булоқбошидаги машҳур Бобир номли колхознинг боғида бир неча меҳмон бўлдик. Ўша ерда муҳтарам отахон Жўраполвон билан ҳам сайил ҳақида фикрлашдик. Бу одам халқ орасида Жўраполвон деб ном қозонган, шу колхозни ташкил этган, узоқ йиллар раис бўлиб колхоз шуҳратини бутун республикага таратган табаррук мўйсафидлардан бири. Жўрабой ота ажойиб боғ-роғлар бунёд этдигина эмас, ажойиб фарзандларни ҳам вояга етказди. Отанинг уч ўғли бўлиб, Абдурасул мактаб мудири, Абдумўмин эса фан кандидати, Ҳолматжон отаси Жўраполвон ўрнида «Бобир» номли колхозда раислик лавозимини бажариб келмоқда.

Жўраполвонни Ўзбекистонда билмаган одам кам. Жўраполвон ака ҳам ўз ҳаётида жуда кўп одамлар, давлат арбоблари, шоир ва ёзувчилар билан ҳамсуҳбат бўлган. Шулар жумласидан дўстимиз шоир Ғафур Ғулом ҳам бу мўътабар отанинг дилкаши бўлиб, бу ерда неча бор туз-нон татиган. Шу боисдан бўлса керак, полвон ота бизнинг келишимиздан жуда мамнун бўлдилар, колхоз тарихидан мароқ билан ҳикоя қилиб бердилар. Айниқса, гап сайил масаласига тақалганда ота жуда ҳаяжон билан, ёниб сўзладилар Чунки, бу одам ўз умрида жуда кўп сайилларга иштирок қилган, сайилларни ташкил қилиб, бошида турганлар.

— Одамлар у йилдан бу йилгача зориқиб сайилни кутарди. Еш-қари сайилга тайёрланишарди. Сайиллар умумхалқ тўйига айланиб кетарди.

Сайиллар энг чиройли, сўлим жойларда ўтарди. Одамики бор ўз фазилати ва ҳунарини ўша сайилларда кўрсатарди, Пазандалар ҳам, машшоқ хофизлар ҳам, қизиқчи, аскиябозлар ҳам, пахлавонлар ҳам ўз истеъдодини шу сайилларда кўз-кўз қиларди. Ноз-неъматларнинг ҳисоби бўлмасди. Энг яхши, ноёб мазалик таомларни шинавандалар шу сайилларда ейишарди. Қанд-қурс, писта-бодам, турли-туман ҳолвалар: Пашмак ҳолва, Савинаки ҳолва, кунжитлик, ҳалвойилабз ҳолвалар, қовун-тарвуз, узум, олма-анжир, нок нашвати ширмойи, седана сепилган нонлар, ёғлиқ патирлар кўзни қамаштирар, иштаҳаларни карнай қилар эди.

Сайилнинг яна бир кўрки кураш бўларди.

— Ўзингиз ҳам Жўраполвон деган номни ўша курашларда олган бўлсангиз керак? — деб сўрадик.

— Ҳа, жуда кўп паҳлавонлар билан беллашганман Чунончи, Ўшлик Жалол полвон, Мўмин полвон, машҳур Аҳмаджон полвон билан ҳам курашганман. Булоқбошилик Ҳайдар полвон, Усмон полвон, Насриддин полвон, Раҳмон полвон, Чинор полвонлар билан ҳам куч синашганман. Бир неча бор «Отбозор» маҳалла, «Булоқ боши», «Қорасув», «Мирпўстин»да ўтказилган сайилларда ўзим бошлиқ бўлганман. Ҳозир сайил ҳам йўқ, кураш ҳам йўқ, полвонларнинг ҳам номи чиқмай қолди. Шу чакки бўлди-да!

Албатта, ҳозир ҳам паҳлавон йигитлар, полвонлар бор. Эл бўлади-ю, полвон бўлмайдими! Булар кураш бўлса танилади, донг чиқаради. Қани энди сайил қайтадан тикланса-ю, қариганимга қарамасдан жон-дил билан хизмат қилсам.

Пахта байрами деган гап чиқди. Лекин авж олмаяпти. Назаримда сабаби ноқулай пайтга — қишга, ёғингарчилик, лойгарчилик вақтига тўғри келиб қолганидан бўлса керак. Сайил айни мева ғарқ пишган вақтда, кенг майдонларда, кўкаламзорда, очиқ ҳавода, катта даврада ўтиши керак. Август ойининг ўрталари ана ўшандай сайилбоп пайт. Пахта байрами дейсизми, ҳосил байрами дейсизми, сайил дейсизми, нима десангиз денг, аммо теримга тушиш олдидан бир яйрашиб сайил қилинг! Меҳнат қилиб ҳосил етиштирганлар, тўрт миллион тоннадан ошириб давлат омборига «оқ олтин» тўкаётганлар ўйнаб-кулишсин, бахтиёр замонамизни кўз-кўз қилишсин!

Шу асиода боғбон Қори ака келиб, бизни нонуштага таклиф қилди. Жўра полвон ота сайил ҳақидаги орзуларини сўзлаганича, сайилнинг қайта тикланишига умид боғлаб, зарур иш билан бир ерга бориши лозимлигини айтиб, узр сўраб, хайрлашди.

БОҒ

Дастурхондаги мевалар орасида бизга нотаниш бўлган жийданинг бир нави турарди. Бошмолдоқдан йўғон ва узун бўлган бу жийданинг данаги кичик, аммо гўши кўп. Тандирдан янги узилган нондек юмшоқ, мазали

Қори ака изоҳ бердилар:

— Бу жийданинг уруғи қайси бир мамлакатдан келтирилган. Қон босими касалига жуда даво. Дунёда қанақаки мева бор, унинг кўпчилигини бизнинг боғдан топа оласиз.

Одамлар бу кишини ҳурмат юзасидан Қори ака дейишади. Асли номлари Неъматулло, оталарининг оти Назар Машҳур соҳибкор, ўзбек боғбонларига бағишланиб чиқазилган плакатда биринчи бўлиб Ризамат ота, учинчи бўлиб Неъматулло аканинг суратлари босилган. Ҳа, бу киши бутун республикага донги кетган миришкор боғбонлардан бири.

Неъматулло ака ҳам эл қатори Улуғ Ватан урушида иштирок қилган. Соғ бориб, майиб қайтган. Қўлидан, оёғидан ўқ еб неча ойлар госпиталларда азоб тортиб, бола-чақаси бахтига омон қайтган. Лекин аввалгидек пахтачилик бригадасига бошчилик қилолмаган. Шу машҳур боғнинг биринчи ниҳолларини ўстирган, ўша маҳалдаги колхоз раиси Жўра полвон, Неъматулло акани боғда ишлашга таклиф қилади. Ўшандан бери Неъматулло ака шу боғнинг боғбони. Боғ йилдан-йилга кенгайди, мева хиллари эса кўпая борди. Бошда 17 гектарли боғ, ҳозир юз гектардан ошиб кетди. Қори ака боғларни айлантириб кўрсатди. Кўп боғларни кўрганмиз-у, аммо бунақасини кам кўрганмиз. Бир мухбир бу боғ ҳақида газетага очерк ёзганида, — жаннатни кўрмоқчи бўлсангиз, шу боғни келиб кўринг! — деб тўғри айтган экан.

Баъзи боғлар хўжа кўрсинга қилинади. Яхши парвариш қилинмайди. Кейин эгалари боғдан зарар кўрамиз деб нолишади ҳам. Нолиш ношудларнинг хислати! Баъзи боғлар бор, уларнинг эшиги асил эгалари — колхозчилар учун кўп вақт берк бўлади. Ҳолбуки бу боғлардан биринчи навбатда ўша колхозчилар баҳраманд бўлишлари керак! Боғ колхозчилар учун истироҳатгоҳ, ҳордиқ чиқариш жойларга айлантирилиши керак. «Бобир» колхозининг боғи шундақа боғлардан. Боғнинг ўртасига катта дам олиш уйи қурилибди. Бу ерда колхозчилар йил бўйи навбатма-навбат дам олишар экан. Бошқа колхозлар ҳам «Бобир»чилардан намуна олсалар бўларди.

Ўзбекистон ёлғиз оқ олтини, ипаги, қора кўли, нефти, олтини, ғалласи, чорваси билангина эмас, боғдорчилиги билан ҳам дунёга машҳур. Мақтанмайлигу, лекин дунёдаги энг лазиз мевалар, ажойиб иқлимга эга бўлган Ўрта Осиё, Ўзбекистонда битади. Фарғона водийси эса алоҳида ўрин тутади. Шунинг учун ҳам партиямиз, давлатимиз боғдорчилик, узумчиликни кўпайтиришга ҳам жуда катта эътибор бериб келмоқда. Халқимиз — боғдорчилик етти хазинанинг бири деб бежиз айтмаган. Шарбатга тўлган шафтолилар, болга айланган нок-нашватилар, ширинликда тил ёрар анжирлар, каҳрабо узумлар, шифобахш анорлар, йиллаб турса ҳам ўз мазасини йўқотмайдиган, ҳиди анқиб турадиган турли-туман олма-беҳилар кимнинг ҳавасини келтирмаган? Мичуринчилик асосида меваларнинг нави кўпайиб, сифати ўзгариб, яхшиланиб бормоқда. Мевазор ва мевалар қанча кўпайса халқимизга шунча яхши. Эл дастурхони шунча тўкин бўлади, безалади. Бу яхши гап.

(Давоми бор).



БИРИНЧИ БАҲО

Шу кунларда ўқувчиларнинг ҳам, ўқитувчиларнинг ҳам қалбида қувонч, ҳаяжон. Биз Тошкентдаги 73-ўрта мактабда бўлдик. Имтиҳон бошланадиган тонг. Мактаб директори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи Қумри Обидова, ўқитувчилар Наби Ғаниев, Раъно Абдуллахатова етуклик аттестати олувчиларни табрикладилар.

Имтиҳон бошланди. Мана, биринчи қаторда 10-синфининг аълочи ўқувчиларидан Манзура Қодирова ўтирибди. Унинг стол устидаги нарсаларни гоҳ у ерга, гоҳ бу ерга олиб қўяётганидан ҳаяжонда эканлиги сезилиб турибди. Ўқитувчи Қумри опа доскага иншо темаларини ёзиб қўлди. Ҳозиргина ҳаяжондан қўли титраётган Манзура темани кўчиради: «Ғ. Ғуломнинг «Кўкан» поэмасида коллективлаштиришнинг акс этиши».

Ўқувчиларнинг ҳаммаси тезда ишга киришиб кетди. Икки соатлар чамаси вақт ўтди. Ўқувчилар оққа кўчириб бўлган ёзма ишларини бирин-кетин топшира бошлади. 10-синфнинг ўқувчиси Эркин Толипов «А. Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонидаги Фарҳод образида илғор инсоний фазилатларнинг ифода этилиши», Асқар Каримжонов эса «Меҳнат кишини улуғлайди», деган темаларни ёзибди.

Соат 2. Имтиҳон тугади. Бирин-кетин қўйилган баҳолардан маълум бўлдики, мактабни битириб чиқаётган 51 ўқувчининг ҳаммаси ҳам давлат имтиҳонига пухта тайёргарлик кўрибди. Ўқувчилардан Муқаддас Сулаймонова, Назира Ражабова, Раъно Юнусбекова, Эркин Толипов, Манзура Қодирова, Мавжуда Ғуломова, Қутбиддин Қодиров, Матлуба Ғиёсова каби ўқувчилар юқори баҳо олишди.

О. НУРМАТОВ,
ўқитувчи.

Суратда: Тошкентдаги 90-мактабнинг 10-синф ўқувчилари иншо ёзмоқдалар.
И. Глауберзон фотоси.

ТУРЛИ МАМЛАКАТЛАРДА — ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

МАҲЖУБ — СУДАН БОШ МИНИСТРИ

ЛОНДОН, 28 май. (ТАСС). Судан Республикасининг Таъсис мажлиси Судан ҳукумати бошлигини сайлади. Рейтер агентлиги мухбирининг Хартумдан хабар беришига кўра, Таъсис мажлисига ўтказилган сайловдан бир неча кун илгари истеъфо берган Муҳаммад Аҳмад Маҳжуб яна Судан ҳукуматининг бош министри қилиб сайланди.

ИОРДАН ДАРЁСИДА ЯНА ОТИШМА

АММОН, 28 май. (ТАСС). Кеча ўт очишни тўхтатиш линиясида Иордания қўшинлари билан Исроил қўшинлари ўртасида яна отишма бўлди. Иордания ҳарбий қўмондонлиги вакилининг бу ерда маълум қилишига кўра, Исроил қўшинлари Иорданиянинг Иордан дарёси водийсининг шимолий қисмидаги позицияларини ўққа тутдилар. Иордания томони жавоб ўти очди.

Отишма икки соат давом этди.

ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМДА ЖАНГЛАР

ХАНОЙ, 27 май. (ТАСС). Жанубий Вьетнамда жанглар давом этмоқда. ВИА агентлигининг Озодлик агентлиги маълумотига асосланиб хабар беришига кўра, 25 майда Халқ қуролли кучлари жангчилари Сайгоннинг шимолий, жанубий ва ғарбий қисмларида душман позицияларига бир қанча зарбалар бердилар. Душман анча солдат ва техникасидан ажралди.

Чанбан районида (Тайнинь вилояти) ҳаракат қилаётган ватанпарварлар 14 майдан 18 майгача бўлган беш кунлик жанглар вақтида душман солдатлари ва офицерларидан 500 дан кўпроқ кишини сафдан чиқардилар, 123 та ҳарбий машинани, шу жумладан кўпгина танкларни яксон қилдилар. Озодлик халқ қуролли кучларининг бўлинмалари 21 майда вилоят маркази — Митходаги ҳарбий объектларини, шу жумладан қўғирчоқ ҳукумат қўшинларининг 7-дивизияси қисмлари штабларини тўпга тутдилар. ВИА агентлигининг хабар беришича, душман катта талафот берган, ҳарбий омборлар ва казармалар вайрон қилинган.

ПАРИЖДА УЧРАШУВ

ПАРИЖ, 27 май. (ТАСС). Вьетнам Демократик Республикаси билан Америка Қўшма Штатлари делегациялари навбатдаги бешинчи расмий суҳбатни ўтказиш учун бугун яна Клебер авенюсидаги халқаро конференциялар уйида йиғилдилар.

ГФР. Баден-Вюртемберг ери ландтагига ўтказилган кейинги сайловларда национал-демократик партия деярли 10 процент овоз олди. Ғарбий Германияда неонацистлар фаолияти активлашиб кетаётганига қарши барча соф виждонли немислар кескин норозилик билдирмоқдалар. Суратда: Баден-Вюртемберг ери пойтахти Штутгартда НДП фаолияти активлашиб кетаётганига қарши норозилик намойиши қатнашчилари «Миллатимизнинг 10 проценти бизга иснод келтирмоқда» деган плакатларни кўтаришиб олган.

ЮПИ — ТАСС телефотоси.

НАТО НУРАМОҚДА

ГАЗЕТХОНЛАРНИНГ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Ҳурматли редакция! Империалистик давлатларнинг ҳарбий блокларидан бири—НАТО тўғрисида газета саҳифаларида бирор материал босиб чиқарсангиз. Бу ҳарбий блок ҳозирги пайтда қандай вазиятда ишламоқда ва айрим мамлакатлар, жумладан Франция бу блокдан нима учун чиқиб кетди?

Салом билан Муҳиддин ҲУСАИНОВ,
Бухоро педагогика институти сиртқи бўлимининг студенти.

<>

Кейинги йилларда Европадаги вазият бир мунча ўзгариб қолди. Сўнгги уч-тўрт йил ичида Европада «совуқ уруш» сиёсатининг ва Атлантик пактининг тангликка учраганлигини, НАТО аъзолари бўлган давлатлар ўртасида сиёсий келишмовчиликларнинг рўй бераётганлигини яққол кўриш мумкин.

Дарҳақиқат, шундай. Яна роса бир йилдан кейин Атлантик ҳарбий блоки қатнашчилари НАТОнинг 20 йиллик «юбилейини» шоду-ҳуррамлик билан кутиб олиш тўғрисида эмас, балки уни қандай қилиб сақлаб қолиш, танглиқдан қандай қутилиш ва бу блок сиёсатини қандай қилиб ҳозирги шароитга мослаштириш тўғрисида бош қотирмоқдалар.

Ҳозирги даврда НАТОнинг танглиги шундан иборатки, биринчидан, бу ҳарбий блок қатнашчилари халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг, бутун дунё прогрессив кучларининг қаршилигига дуч келган бўлсалар, иккинчидан, бу прогрессив кучларга айрим монополистик группаларнинг қўшилиши рўй бермоқда. Жумладан, Франциянинг 1966 йил баҳорида Атлантик ҳарбий блокидан чиққанлиги расмий равишда эълон қилинди. Шимолий Атлантик блокининг сиёсий қароргоҳи Бельгиянинг Касто шаҳрига кўчиб ўтишга мажбур бўлди.

Франция Коммунистик партиясининг бош секретари Вальдек Роше де Голль ҳукуматининг француз ҳарбий кучларини Атлантик блок составидан чиқариб олиш тўғрисидаги қарорини ҳукуматнинг Европада ва халқаро майдонда алоҳида полицияни тута бошлаганидан далолатдир деб баҳолади.

1967 йилнинг апрелигача Франциядан НАТО қуролли кучлари составида турган АҚШнинг 14 та ҳарбий-ҳаво базаси, 40 та ҳарбий омбори ва 26 минг солдат ҳамда офицери олиб чиқиб кетилди.

<>

НАТО аъзолари ўртасидаги бундай келишмовчиликнинг сабаби нима? Буннинг сабаби шуки, НАТО қатнашчилари турли халқаро проблемаларни ҳал этишда турлича позицияда турадилар. Агарда блок қатнашчиларидан Англия ва ГФР ҳукумати АҚШнинг Вьетнамдаги агрессив урушини қўллаб-қувватлаб келаётган бўлса, Франция ҳукумати бу проблемани 1954 йилги Женева битимларига биноан тинч йўл билан ҳал этиш тарафдори бўлиб чиқмоқда. Президент де Голль Американинг Вьетнамдаги шармандали сиёсатини қоралаб, Жануби-Шарқий Осиёда уруш алангасининг авж олиб кетаётганига фақат Америка Қўшма Штатларигина айбдор деб ҳисобламоқда. Франция Америка қўшинларининг Вьетнамдан олиб чиқиб кетилишини талаб қилаётган мамлакатлар сафига қўшилди.

Франция ҳукумати социалистик давлатлар, биринчи навбатда Совет Иттифоқи билан ўзаро ҳамкорлик қилишни, иқтисодий ва маданий алоқаларни тобора кенгайтиришни афзал кўрмоқда. Франциянинг айниқса Совет Иттифоқи билан ўзаро иқтисодий ва техникавий ҳамкорлиги йил сайин ривожланиб бормоқда. Франция Совет Иттифоқига юқори сифатли бензин тайёрлайдиган асбоб-ускуналар, «Камю э компани» эса Тошкентда йилига 7 минг квартира қуриш имконини берадиган уй қуриш комбинатига ускуналар етказиб беради. Бундан ташқари Франциядан химия заводлари, озиқ-овқат саноати корхоналари учун зарур хом ашёлар, машиналар ҳам сотиб олинмоқда. СССРдан эса Францияга антрацит (кўмирнинг энг аъло нави), нефть, нефть маҳсулотлари, пахта, қоғоз, рангли металлар, турли машиналар етказиб берилмоқда. Совет Иттифоқи билан Франция ўртасида ядро физикаси бўйича тадқиқотлар, космик тадқиқотлар ва метеорология соҳаларида ҳам ҳамкорлик тобора ривожланмоқда. Буларнинг ҳаммаси Франциянинг НАТО блокидан чиқиши учун таъсир кўрсатмай қолмади, албатта.

Америка Қўшма Штатлари НАТО блокининг нурашига йўл қўймаслик мақсадида Ғарбий Европа мамлакатларини гўё Совет Иттифоқидан хавф туғилаётгани тўғрисидаги миш-мишлар билан қўрқитишга ҳаракат қилмоқда. Лекин бу миш-мишларнинг пуч эканлиги аллақачон ҳаммага аён бўлиб қолди. Совет Иттифоқининг Ғарбий Европага гўё ҳужум қилиш нияти борлиги тўғрисида буржуа пропагандаси тарқатаётган сўзларга энди ҳеч ким ишонмайди. Аксинча, НАТО блоки қатнашчилари бўлган мамлакатларнинг кўпчилиги Америка Қўшма Штатлари блок аъзоларини қандай ҳалокат ёқасига бошлаб кетаётганини тобора яхшироқ тушунмоқдалар.

Америка Қўшма Штатларининг сиёсий ва ҳарбий арбоблари НАТОнинг нурашига барҳам бериш мақсадида блок раҳбарлигига айрим ўзгартишлар киритишни ҳам мўлжалламоқдалар. Бироқ, қандай бўлганда ҳам НАТО ҳарбий ташкилоти Қўшма Штатларнинг милитаристик кучлари қўлида асосий қурол вазифасини бажараверишн аниқ. Шунинг учун ҳам Қўшма Штатларнинг НАТОни ҳалокатдан сақлаб қолиш ва уни мустаҳкамлашга қаратилган планларига қаршилик Ғарбий Европа мамлакатларида тобора кучайиб кетмоқда.

«1969 йил НАТО учун мусибатли йил бўлди». Шимолий Атлантик блокининг бош секретари Спаакнинг сўзлари ана шундай. Америка Қўшма Штатларининг сиёсатчилари ва ҳарбий арбоблари Ғарбий Европани гўё Шарқдан бўладиган хавфдан сақлаш мақсадида НАТО блокини мустаҳкамлаш тўғрисида қанчалик айюҳаннос солмасинлар, Европадаги тинчликсевар кучлар қитъадаги кескинликни ким авж олдираётганини яхши биладилар. Европа хавфсизлигига Совет Иттифоқи эмас, балки НАТОнинг карвонбошиси — АҚШ таҳдид солмоқда. Прогрессив жамоатчилик НАТОнинг океан орқасидаги ижодкорларига ана шундай деб жавоб бермоқдалар.

Э. ҒУЛОМОВ,
Тошкент халқ хўжалиги институтининг катта ўқитувчиси.

ҲИНД МУТАХАССИСЛАРИ ИЛМИЙ ДАРАЖА ОЛДИЛАР

Тошкент қишлоқ хўжалиги институтида муваффақиятли кандидатлик диссертацияси ёқлаган ҳиндистонлик аспирант Удай Кумар Вермага қишлоқ хўжалиги фанлари кандидати деган илмий даража берилди.

Ёш мутахассис вертикал дренаж ёрдамида тупроқ шўрини ювиш ва турли қишлоқ хўжалик экинларининг бунга қандай ёрдам беришини тадқиқ қилди. У ўз кузатишларини Мирзачўлдаги «Малик» совхозида ўтказди. Бу совхозда шўр сизот сувларни коллекторларга чиқарувчи бир неча мелиорация қудуқлари ишлаб турибди.

Анирудх Прасад Жаясвал ўз ишини ғўза зараркунандалари — шира ва ўргимчакканага қарши курашда химиявий ва биологик методлардан фойдаланишга бағишлади. Бу ёш мутахассисга ҳам қишлоқ хўжалиги фанлари кандидати илмий даражаси берилди.

Ҳозир ҳиндистонлик яна икки мутахассис шу институтда кандидатлик диссертацияларини ёқлашга тайёрланмоқда. (ЎзТАГ).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Халқ куйлари. 9.30 — Концерт (ёш ижрочилар). 9.50 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун (тож.). 11.15 — «Элга хизмат — олий ҳиммат». 11.25 — Қўшиқлар. 12.15 — Оркестр куйлари. 13.30 — Лирик қўшиқлар (рус.). 16.10 — Ўзбекистонда тожик маданияти декадаси. «Дўстлик тароналари». 16.50 — «Правда» газетасининг обзори. 17.00 — «Музикали Тошкент» (рус.). 18.00 — Партия маорифи системасида ўқув йилининг якунланиши олдидан. Тошкент шаҳар партия комитети пропаганда бўлимининг мудири И. Абдураҳмонов сўзи (рус.). 18.10 — Камер куйлар. 18.40 — Спорт (рус.). 19.20 — Қозоқ куйлари. 20.00 — «Индустрлашган Ўзбекистон». 21.00 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.10 — Концерт (қишлоқ хўжалик ходимлари учун). 22.20 — Вальслар. 22.40 — Поэзия кечаси. 23.15 — Концерт.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — **Кўрсатишлар программаси.** 18.00 — **Телеянгиликлар ва декада кундалиги** (рус тилида).

Ўзбек тилида: 18.10 — **Орзу** (ўсмирлар учун). 18.50 — **А. Навоий номидаги Марғилон мактабгача тарбия педагогик билим юрти бадиий ҳаваскорларининг концерти.** 19.30 — **Ғалла — бойлигимиз** (қишлоқ хўжалик ходимлари учун). 19.45 — **Телеянгиликлар ва декада кундалиги.** 20.00 — **Мирзо Турсунзода.** (Адабий портрет).

21.00 дан — **Москва кўрсатади.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Тошкент кўрсатади

17.55 — **Кўрсатишлар программаси.**

Рус тилида: 18.00 — **Ёшлигимиз — экранда** («Ёшлик» студияси). 18.40 — **Табиат ошиқлари.** 19.20 — **Концерт** (бадиий ҳаваскорлар).

Ўзбек тилида: 20.00 — **Алишер Навоий юбилейига туҳфалар.** 20.30 — **Ўзбекистон меъмори** (телепрограмма). 21.05 — **Қозоқ куйлари.** 21.40 — **Темирчи байроғи** (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 20.00 — **Италия саҳифалари** (илмий-оммабоп фильм). 20.20 — **Мен бир қизни учратдим** (бадиий фильм).

Рус тилида: 21.55 — **Замонамизнинг буюк кучи** (суҳбат). 22.10 — **Арно Бабаджанян** (музикали телефильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 29/V да **Бозгашт** (С. Айний номидаги тожик опера ва балет театрининг спектакли).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 29/V да **Гавҳари шамчироқ,** 30/V да **Нурхон.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — **29 ва 30 майда Ўзбекистон эстрада оркестрининг концерти. Концертда Ботир Зокиров, Луиза Зокирова ва бошқалар қатнашади. Кеч соат 8 ярим**да бошланади.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Рад этиш — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА», НАВОИЙ номли, «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Итальянча ўғирлик — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «ЧАЙКА» (кундуз соат 5, кеч 6-45 минут, 8 ярим ва 10 да).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
29 30 май кеч соат 8 яримда
ЎЗБЕКИСТОН ЭСТРАДА ОРКЕСТРИ КОНЦЕРТИ

Концертда Ўзбекистон ССР халқ артисти **Ботир ЗОКИРОВ;** Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар — **Луиза ЗОКИРОВА** (Шарқ халқлари куйлари), **Юнус ТУРАЕВ** (совет композиторлари қўшиқлари), **Зулайҳо РАҲМАТУЛЛАЕВА** (ўзбек рақси). **Эсон ҚАНДОВ** (совет ва чет эл композиторларининг эстрада куйлари). **Кокаб ЗАРИФИЙ** (Шарқ халқлари рақслари), эстрада артистлари конкурси лауреати **Владимир ЛАПИН** (конферансье) иштирок этадилар.

Оркестрнинг бадиий раҳбари — Ўзбекистон халқ артисти **Ботир ЗОКИРОВ.**

Музика раҳбари — **Евгений ШИРЯЕВ.**

Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан, район кассаларида эрталаб 11 дан сотилади.

ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ
қуйидаги факультетларга
1968 — 69 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

агрономия, қишлоқ хўжалиги иқтисоди ва ташкил этиш, агрохимия ва тупроқшунослик, ўсимликлар ҳимояси, ипакчилик, мева-сабзавотчилик ва узумчилик, ўрмон хўжалиги, бухгалтерия ҳисоби

Аризалар 20 июндан 31 июлгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари — 1 дан 20 августгача.

Икки ва ундан кўп йил практик иш стажига эга бўлганлар, Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти офицерлари шунингдек мажбурий хизматдан ташқари хизматдаги сержант ва старшина составидаги ҳарбий хизматчилар институтга киришда маълум даражадаги имтиёзлардан фойдаланадилар.

Факультети ва мутахассислик кўрсатилган ариза институт ректори номига ёзилади ва қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: **ўрта маълумотлилиги ҳақида ҳужжат (асл нусхаси),** медицина справкаси (286 форма), **бош кийимсиз тўртта фотосурат** (3Х4).

Корхона, муассаса, ташкилот, колхоз правлениелари, партия, комсомол, касаба союз раҳбарлари томонидан ва умумий таълим мактабини битириб чиққанлар учун мактаб раҳбарлари ва жамоат раҳбарлари томонидан ҳамда Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти сафидан қайтганларга ҳарбий бўлим қўмондонлиги томонидан берилган характеристика.

Институтга кирувчилар ҳарбий билет ёки приписка гувоҳномаси ва паспортларини шахсан кўрсатадилар.

Мутахассислик бўйича кириш имтиҳонлари: қишлоқ хўжалик иқтисоди ва ташкил этиш, бухгалтерия ҳисоби — математика (ёзма ёки оғзаки), **химия** (оғзаки), **биология** (оғзаки); **ўрмон хўжалиги — математика** (ёзма ва оғзаки), **химия** (оғзаки), **физика** (ёзма ёки оғзаки).

Бошқа қишлоқ хўжалик мутахассислиги бўйича: химия (оғзаки), **физика** (ёзма ёки оғзаки), **биология** (оғзаки).

Кирувчилар булардан ташқари ўзбек ёки рус тили ва адабиётидан ёзма кириш имтиҳонларини топширадилар.

Институт адреси: Тошкент области, Орджоникидзе район, 4. Телефон Е-6-17-00.

ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКУМИ

1968/69 ўқув йилининг кундузги ва сиртқи бўлимига АГРОНОМИЯ УСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, АГРОХИМИЯ, ЕР ТУЗИЛИШИ мутахассисликлари бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

(сиртқи бўлимга фақат агрономия мутахассислиги бўйича).

Кундузги бўлимга 30 ёшгача ва сиртқи бўлимга ёшидан қатъий назар тўлиқсиз ўрта ва тўлиқ ўрта маълумотли, кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган гражданлар қабул қилинади.

Кундузги бўлимда ўқиш муддати 3 ярим йил ва 2 ярим йил (сиртқи бўлимда 4 ярим йил ва 2 ярим йил).

Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, тўлиқсиз ўрта мактабни аъло баҳолар билан тамомлаган ва тўлиқ ўрта мактабни олтин ёки кумуш медал билан тамомлаганлар, колхоз ва совхозларнинг йўлланмаси билан келганлар, икки йил иш стажига эга бўлган ва танлаган касбида ишлаётганлар, Совет Армияси сафидан қайтиб келганлар маълум даражали енгилликлардан фойдаланадилар.

Танланган мутахассислик кўрсатилган ариза директор номига ёзилади ва қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), таржимаи ҳол, медицина справкаси (286 форма), учта фотосурат (3х4 см).

Туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, ҳарбий билет ёки гувоҳномани техникумга келганда шахсан кўрсатилади.

Аризалар тўлиқсиз ўрта маълумотлилардан 1 июндан 31 июлгача: ўрта маълумотлилардан 1 июндан 15 августгача қабул қилинади. Кириш имтиҳонлари — 1 дан 20 августгача.

Сиртқи бўлимга аризалар 1 октябрдан 30 ноябргача қабул қилинади. Кириш имтиҳонлари 1 ноябрдан 14 декабргача ўтказилади.

Тўлиқсиз ўрта маълумотлилар: ўзбек тили ёки рус тили (диктант), математика (оғзаки). **ер тузилиш бўлимига кирувчилар** (тўлиқ ўрта маълумотлилар) ўзбек тили ёки рус тили (иншо), математика (оғзаки). **агрономия, агрохимия, ўсимликларни ҳимоя қилиш бўлимларига** кирувчилар: ўзбек тили ёки рус тили (иншо), химия (оғзаки)дан имтиҳон топширадилар.

Техникумни тамомлаганлар танлаган асосий касбдан ташқари қўшимча тракторчи, пахта териш машинаси ҳайдовчиси, лаборант-анализчи, ерни ўғитлаш бўйича механизатор, ҳаваскор шоферлик ҳунарларини ҳам ўрганадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, 37, Парашютная кўчаси, 17-уй (10-трамвай, 10-троллейбус, 8, 10, 14-автобусларнинг «Известия», 2, 7-троллейбуслар, 47, 49, 61, 62-автобусларнинг «С. Раҳимов» бекатлари). Телефонлар 4-38-92, 4-53-23.

ТОШКЕНТ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ТЕХНИКУМИ
1968—69 ўқув йилининг 1. КУРСИГА
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Техникумда **метеорология, аэрология, гидрология ва агрометеорология** бўлимлар бўлиб, **техник-метеоролог, техник-аэролог, техник-гидролог** ва **техник-агрометеорологлар** тайёрлайди.

Аризалар 1 июндан 31 июлгача қабул қилинади.

Имтиҳонлар 1 дан 20 августгача рус тили (ёзма-диктант), математика (оғзаки) фанларидан ўтказилади.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида.

Ўқувчиларга стипендия тўланади.

Бошқа шаҳардан келганларга ётоқхона берилади.

Адреси: Тошкент шаҳар, Турк-Қўрғон кўчаси, 45-уй (8, 10, 49, 56, 61, 67-автобуслар, 10-трамвай, 2, 7, 10-троллейбусларнинг «Ишчилар шаҳарчаси» бекати).

1968 йил 11 июнь кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг тарих, тилшунослик ва адабиётшунослик фанлари бўйича бирлашган илмий совети мажлисида (Гоголь кўчаси, 70-уй, конференц-зал фойеси) филология фанлари доктори деган илмий даражани олиш учун А. Ҳожиев: «Ўзбек тилида тўлиқсиз феъл» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИ

Диссертация билан Академия кутубхонасида (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй) танишиш мумкин.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети аппаратининг партия ва касаба союз ташкилотлари Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг масъул ходими М. Д. Подлипскийга отаси

Давид Борисович ПОДЛИПСКИЙнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлигининг ўқув юртлари бошқармаси ҳамда Тошкент автомобиль йўллари ўқув комбинати партия ташкилоти, касаба союз маҳаллий комитети Бошқарма бошлиғининг ўринбосари Т. Жўрабековга отаси

Жўрабек РАҲМОНБЕКОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон Ёзувчилар Союзи Правлениеси атоқли адиб, СССР Давлат мукофоти лауреати, Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон Халқ ёзувчиси

Абдулла ҚАҲҲОРНИНГ

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор этади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС ВА ТЕЛЕФОНЛАР: ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 26, Редактор — В36545, Редактор ўринбосарлари — В37914, В39323, Масъул секретарь — В34455, Масъул секретарь ўринбосарлари — В37283, Партия турмуши — В33469, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — В31216, Халқаро ҳаёт — В37604, Коммунистик тарбия — В31455, Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — В34780, Совет қурилиши — В33258, Қишлоқ хўжалик — В37604, Адабиёт ва санъат — В32036, В37221, Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — В34451, Маҳаллий ахборот ва спорт — В32347, Оммавий ишлар ва хатлар — В38679, В33553, Иллюстрация — В34524, Стенографистка — В37343, Корректура — В37162, Эълонлар — В38142, Коммутатор — В30249, В30250, В30251, В30252, В30253, В30254, В30255, В30256, В30257, В30258, ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: Андижон 48—85, Бухоро 31—41, Қарши 3—08, Нукус 42—62, Самарқанд 31—972, Термиз 23—27, Фарғона 41—88, Урганч 34—55.

Б № — 123. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64633. Р. 08453.